O'ZINGNI ANGLA!

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

№ 20 (534)

2007-yil 9-may

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ➲ Chorshanba kunlari chiqadi ➲ E-mail: hurriyat@mail.ru ➲ http://www.hurriyat.uz

Ушбу сонда:

2 **Ўтлоқ керак...ми?**

Андижон вилояти аҳолиси учун ўта долзарб бу муаммонинг ечимини тезроқ топиш, ҳал этиш ниҳоятда зарур. Акс ҳолда аввалгига нисбатан ҳатто 2-3 баробаргача кўпайган аҳолининг қўлидаги шахсий чорва камайиб кетиши ҳеч гап эмас.

3 **Йиқилган курашга тўймас**

Исроил бош вазири Эҳуд Ольмерт ўзининг фавқулоддда уддабуронлиги ва топқирлиги билан танилган. Шу пайтга қадар у порахўрлик, коррупция каби оғир айбловлар билан қораланган бўлса-да, ҳар гал сувдан қуруқ чиқиб келади

4 **"Мен энди кетарман ..."**

Асқар Маҳкамнинг яшаш тарзи билан фаолиятида чинакам собитликнинг, чинакам субутликнинг мустаҳкам бирлиги бор эди. У мабодо бировга меҳр қўйса, уни ўзига яқин кўрса, зинҳор ундан қўл узмасди.

HURRIYATга обуна йил бўйи давом этади.

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!

Нашр кўрсаткичи — 233

Сана

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

Ҳаёт гули

Битта гиёҳ ҳам одамни ҳаёт билан боғлаб туриши мумкин экан-да! Битта гиёҳга кўз тикиб, келажакка ишонч билан яшаш — ҳозир биз учун афсонадек туюлади. Лекин бу бор гап.

Фаррух ЖАББОРОВ

Ўша машъум йиллари ўғлини урушга кузатган она, турмуш ўртоғининг қайтишини кутаётган аёл, отасини соғинган болакайлар тоғларнинг баланд-баланд жойларида ўсадиган бир гиёҳни олиб келиб, муборак қилиб уй тўрига осиб қўйишган. Унинг ғаройиб томони шундаки, тупроқдан узилса ҳам, ўсишда давом этаверади. Илдиз томонидан қуриб бораркан, учида ҳаёт яшнайверади. Ўз номи билан ҳаёт гули-да! Умид гули келажакка умид боғлашга турки бўлиб, бора-бора ишончнинг, садоқатнинг рамзига айланиб қолади. Одамлар ирим қилишган: ҳаёт гули ўсишда давом этяптими, демак, қаердадир у ҳам яшаяпти. Буни "Шунчаки ирим-да!" дейиш учун одам сал бешафқатроқ, сал одамийликни унутган бўлиши керак, чамамда.

Бахмал тумани қишлоқларида ҳаёт гули афсонага айланиб кетган. Билмадим, ҳозирги авлод унутиб юбормадимикин? Бир пайтлар ота-она, бобо-момоларининг бутун борлиғи, ҳаётда тик туриши шу гулга боғлиқ бўлганлигини билишармикин? Кексалар томонидан ёшларга ўтмиш сабоқлари, ардоқлари эслатиб турилгани яхши экан: "Мелиниса момонгнинг чолидан, ҳа, ўша ҳалиям ҳаёт бўлган Жонузоқ бобонгдан қорахат келган эди. Лекин Мелиниса тушмагур ишонмади: "У қайтаман деганди. Мана, ҳаёт гули ҳам яшнаб турибди-ку!" деб кутаверди. Ахийри келдиям. Ё қудратингдан, Олло!" Бу гапларни айтган момонинг кўзларида ёш ғилтиллайди: "Менинг умид гулим эса қуриб қолган эди. Билмадим, Яратганнинг олдида нима гуноҳим бор экан?!"

Аслида-ку, ҳаёт гули — бу бир восита. Энг катта куч одамларнинг кўнглида яхши кунлар келишидан умид, бир-бирига бўлган ўзаро ишонч бўлган. Халқимизнинг не-не ёмон кунлардан омон чиқишига, мана шундай ёруғ кунларга етиб келишига сабаб бўлмадимикин бу туйғулар. Доимо боболарни ёд этиб яшаш ва келажакка ишонч билан қараш ҳисси ўзбек миллати тийнатида беқиёс ўринга эга. Хотира ва қадрлаш кунида ўтган аждодларини эсламаган, ота-онасининг зиёратига шошилмаган одам кам топилади юртдошларимиз орасида.



Инсоният тараққиётнинг жадал суръати туфайли баъзи қадриятларни бироз эътибордан четда тутаётганлиги бор гап. Бир бирига меҳр улашиш учун ҳафсала қилмаслик, тараққиёт механизмининг бир мурватига айланиб қолиб, инсоний қадриятларга бепарво қараш каби ҳолатлар дунёнинг турли бурчакларида муаммо бўлиб турибди. Лекин шу кунларда юртдошларимиз орасидаги бир бирига бўлган самимий меҳр-оқибатни кўриб дил таскин топади. Ҳар қанча ёзғирмайлик, миллатимиз ҳали ўзлигидан унчалик узоққа кетган эмас, ҳали халқимиз ким эканини унутганича йўқ. Шу маънода Хотира ва қадрлаш кунини меҳр-оқибат тантанаси дегинг келади. Бугунли кунда мана шундай халқнинг асрий анъаналарига эш бўлиб кетган байрамлар зарурлигини яна бир бор ҳис қиласан ич-ичингдан.

... Мотамсаро она ҳайкали пойида шундай ўйлар хаёлингни банд қилади. Урушдай машъум кунларнинг рамзи ўлароқ, қурол кўтарган аскар эмас, балки мотамсаро она ҳайкалини кўришда ҳам катта маъно бор аслида. Жангу жадалларни эмас, номинг ўчгур урушга нафрат, тинчликнинг қадрига етиш ҳиссини уйғотадиган мана шундай монументнинг Ватанимиз юраги бўлмиш пойтахтимизнинг қоқ марказида туриши айни муддао бўлган. Ахир урушлар туфайли топилган сохта шуҳрату кимларнингдир бахти эвазига йиғилган бойликлар онанинг бир томчи кўз ёшига арзийдими? Юрт тинч бўлиб, фарзандлари ҳамиша шоду хуррам яшашини оналик истайдиган, худодан сўрайдиган зот бўлмаса керак дунёда.

Тун. Пориллаб ёнаётган олов атрофни ёритиб турибди. Қаршимда мотамсаро она ҳайкали. Бу — кимнинг сиймоси??? Қодирийнинг онасимикин ё Чўлпоннинг волидаси? Эрк учун исёнларда ёки истиқлолчилик ҳаракатларида ўққа учган ўғлонни кутаётирми бу нуроний сиймо? Иккинчи жаҳон урушида бедарак кетган ваё афғон тупроғидан тобути келган аскарнинг онаизорими?.. Ким ўзи, бу ким? Атрофда сукунат, дарахтлар жим, бинолар жим. Намунча мотамсаро бўлиб хотирланадиган кунларинг кўп, халқим?

Бундай кунларнинг ортда қолгани рост бўлсин.

Такдимот

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш дастури кўмагида «Опа-сингил суҳбати ёхуд аёл аёл наздида» деб номланган тўплам чоп этилди. Дастурнинг гендер лойиҳаси доирасида тайёрланган китобга ижодкор хотин-қизларнинг энг сара насрий ва назмий асарлари киритилган.

Аёл аёл наздида

Аввало, БМТ Ривожланиш дастурининг гендер лойиҳаси хусусида. Халқаро ташкилот томонидан устувор йўналишлардан бири сифатида катта эътибор қаратилаётган лойиҳада давлат идоралари, жамоатчилик, оммавий ахборот воситаларининг гендер муаммолари борасидаги хабардорлигини ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, лойиҳа БМТнинг CEDAW (Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция бўйича қўмита) томонидан Ўзбекистонга берилган тавсияларни амалга татбиқ этишга ҳам кўмаклашади.

— Жамият ҳаётида хотин-қизларнинг ўрнини оширишни кўзлаб амалга оширилаётган лойиҳа доирасида жорий йилнинг январида «Опа-сингил суҳбати ёхуд аёл аёл наздида» китобига энг яхши мақола» танлови эълон қилинган эди, — дейди БМТ Ривожланиш дастурининг гендер масалалари бўйича мутахассиси Комила Раҳимова. — Танлов давомида мамлакатимизнинг турли вилоятларида ижод қилаётган журналист хотин-қизлардан 160 дан зиёд асар қабул қилинди.

Ижодий беллашувда умумий ҳисобда 60 га яқин ижодкор аёл иштирок этди. Шундан 31 нафар энг яхши қалам соҳибаларининг асарлари тўпламга киритилди. Танлов якунига кўра энг сара материал муаллифи бўлган ижодкорлар — термизлик Гулбаҳор Тангирова, нукуслик Татьяна Климова ва пойтахтлик Наталия Шулепиналар ғолиб деб топилди.

— «Опа-сингил суҳбати ёхуд аёл аёл наздида» китоби мамлакатимизда аёл тимсолини яратиш борасидаги илк қалдирғоч бўлди, — дейди танлов ғолибаси "Маънавият гулшани" газетаси бўлим муҳаррири Гулбаҳор Тангирова.— Ўйлайманки, ушбу танлов ижодкор хотин-қизларимиз бошини қовуштириш баробарида, уларни жамиятнинг барча жабҳаларида янада фаол бўлишга ундайди.

Китобга киритилган асарлар турли жанрларда ёзилган. Ўнлаб ижод намуналари орасидан саралаб олинган материаллар орасида мақола, лавҳа, интервью, очерк, эссе каби насрий асарлар ҳам, назм намуналари ҳам бор.

Зумрад ЛУТФУЛЛАЕВА

Жавоб

"Ҳуррият" газетасининг 2007 йил 18 апрель сонида эълон қилинган "Қонун кўз ёшларига боқмайди" сарлавҳали мақоласи юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз.

Иш қайта кўрилади

2007 йил фуқаро F. Солиев судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, суднинг 08.01.2002 йилдаги ҳал қилув қарори, Олий суднинг 28.03.2003 йилдаги ажримига кўра "Қўқон бўрдоқичилик" МЧЖ таъсисчиларининг умумий йиғилиш қарорини бекор қилиш тўғрисидаги даъвоси рад қилингани, марҳум отаси F. Солиевнинг "Қўқон бўрдоқичилик" МЧЖдаги улуши 76,3 фоиз эканлиги, отаси вафот этганидан сўнг МЧЖдаги 76,3 фоиз улуш ва дивидендларга нисбатан меросхўр дўб эътироф этиш, улушни натура мол-мулк тариқасида ундириш, 30.07.2002 ва 20.02.2003 йилдаги маълумотномалар МЧЖнинг низом ва таъсис шартномасини, 03.08.2002, 16.08.2003, 16.02.2003 йилдаги умумий йиғилиш қарори ва туман ҳокимлигининг 18.04.2000 йилдаги 222-сонли қарорини бекор қилишни сўраган.

"Қўқон бўрдоқичилик" МЧЖ судга келтирган қарши даъво аризасида МЧЖнинг низом ва таъсис шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш, ҳокимнинг 18.04.2000 йил қарори билан F. Солиевнинг даъво аризаси қисман қаноатлантирилган, қарши даъво рад қилинган. Вилоят суди апелляция инстанциясининг 24.05.2006 йилдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ишни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 15, 317-моддаси талабларига зид равишда ишни ҳар тарафлама, ҳақиқий ҳолатларни аниқламагани, Фарғона вилоят суди Раёсатининг 11.03.2005 йилдаги қарорида кўрсатилган ҳолатларни тўлиқ бажармагани аниқланиб, суд қарорларини бекор қилиш хусусида Андижон вилоят суди Раёсатига назорат тартибида протест келтирилган. Андижон вилоят суди Раёсатининг 26.04.2007 йилдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун Фарғона вилоят судига юборилди.

Қ. ЖЎРАЕВ,
Андижон вилояти прокурори ўринбосари

Изҳор

«Бу биз учун катта шараф»

"Олтин қалам" иккинчи миллий мукофоти халқаро танлови совриндорлари ана шундай фикрдалар

3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги кунини катта тантана билан кутиб олиш анъанага айланди. "Олтин қалам" миллий мукофоти халқаро танлови ғолибларини тақдирлаш маросими айни шу кунда ўтказилиши ҳам ОАВ вакилларига ўзгача руҳ ва кайфият бағишлайди. "Олтин қалам" халқаро танловининг йилдан йилга ҳам салмоғи, ҳам кўлами ошиб бораётганини кузатиш мумкин. Ўтган йили илк бор ўтказилганда 136 журналист 1669 та ижодий иши билан қатнашган бўлса, бу йил иштирокчилар сони қарийб уч баробар кўпайди: 376 нафар ОАВ вакили 5 мингга яқин асарини таклиф қилди.

Аввалги танлов асосан (матбуот, радио, ТВ) йўналиш бўйича ўтказилган бўлса, бу йил улар қаторига интернет журналистикаси ҳам қўшилди. Ҳар бир йўналиш учтадан ўринга эга. Яна бир янгилик шундан иборатки, энг яхши журналистик асар учун бош миллий мукофот жорий қилинди. Янги номинация ғолиби махсус диплом ва кўкрак нишонидан ташқари энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорида пул мукофотига ҳам сазовар бўлиши белгиланди. Ва яна айтиш жоизки, халқаро танлов ғолиблари ҳамда иштирокчилари учун катта концерт дастури намойиш қилиниши одатга айланди. Бу ғолибларга ҳамда иштирокчи ОАВ вакилларига ҳам ҳақиқий байрам кайфиятини бағишлади.

Шундай қилиб, 26 нафар ОАВ вакили халқаро танлов ғолиби бўлди, 10 нафар ижодкор эса БМТ, ЮНЕСКО ҳамда Жаҳон банкининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси дипломи ва мукофотлари билан тақдирландилар.

Қуйида танлов совриндорларининг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

Нарзулла РАВШАНОВ, "Қашқадарё" газетаси бош муҳаррири:



— "Олтин қалам" халқаро танловини ўтказишдан мақсад миллий ва халқаро журналистиканинг энг илғор тажрибаларини, ютуқларини оммалаштириш, ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш эди. Мен танлов натижаларини кузатиб, бу мақсадга тўла-тўкис эришилди, деб ўйладим. Чунки танловда қатнашишни ихтиёр этган журналист борки, масалага янгича ёндошишга, янгилик қилишга, янги гап айтишга интилган. Назаримда энг муҳими шу. Ўзбекистонни бор бўйича, тўлалигича, бутун гўзаллиги таровати билан тасвирлаш учун бу жуда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси шу нуқтаи назардан хайрли ишни бошлади, дейиш мумкин. Танлов янада такомиллашиб, қатнашувчилар бундан-да ошиб бориши шубҳасиз. Юртимизда қалами ўткир журналистлар кўп. Энди улар ана шу танловда қламларини чархлаб, уни чинакам олтинга айлантирадилар.

"Қашқадарё" газетаси таҳририятининг халқаро танловнинг бош совринига сазовор бўлиши жамоамизни бундан кейин холислик ва ҳаққонийликни мезон қилиб, тинимсиз изланишга ундамоқда. Танловнинг 3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги кунида якунланишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Мамлакатимизда сўз эркинлиги кафолатланган. Журналистларнинг фаолият кўрсатишлари учун ҳуқуқий асослар яратилган. Изланган журналист Ўзбекистоннинг фақат ўзигагина хос бўлган қирраларини бутун жаҳонга кўрсата олади, шу баробарида ўзи ҳам кўзга кўринади, танилади. "Олтин қалам" танлови шунга хизмат қилади.

Анвар БОБОЕВ, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА) Халқаро ахборот тахририяти бош муҳаррири:



— Аввало, "Олтин қалам" танлови ташкил қилинганининг ўзи мамлакатимиз ҳаётидаги катта воқеа эканлигини таъкидламоқчиман. У журналистларнинг янада ғайратли бўлишга ундайди. Унинг воситаси билан иқтидорли қалам соҳиблари юзага чиқади. Биз, санъаткорлар, киночиларнинг танловлари борлигини биламиз. Спорт бўйича мусобақалар ўтказилаётганига гувоҳмиз. Журналистика соҳасида ҳам шундай ўзига хос, таъбир жоиз бўлса, "чемпионат" ташкил қилингани Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари фаолиятида катта ўзгаришлар ҳосил бўлишига олиб келиши шубҳасиздир.

"Олтин қалам" мукофотининг совриндори бўлиш ҳар қандай журналист учун катта шарафдир. Шу билан бирга, инсоннинг биринчи устозлари бўлмиш ота-она, кейинчалик мактабда таълим-тарбия берган муаллимлар, институтларда таҳсил берган домла-мураббийлар ва ниҳоят мустақил ҳаётда сабоқ-ўгит бериб, йўл-йўриқ кўрсатиб бораётган устозлар учун катта шарафдир. Танлов ташкилотчиларига шу муносабат билан ҳам барча устозлар номидан яна бир карра миннатдорчилик изҳор этиш — муқаддас бурч.

Нуфузи, катта-кичиклигидан қатъи назар, ҳар қандай мукофот киши меҳнатининг эътирофи саналади. Айни пайтда бу эътироф эътибор натижасидир. Мана шу эътибор мукофот соҳибига руҳий-маънавий қувват бахш этади, янгича ғайрат-шижоат билан ишлашга ундайди, унга ҳамиша мукофотга муносиб бўлиб қолиш масъулиятини юклайди. "Олтин қалам" мукофоти совриндорларга шундай шараф бахш этгани ҳолда улар зиммасига улкан масъулият қўйиши билан ҳам қимматлидир.

Обид БЕРДИАЛИЕВ, "Ўзбекистон" телерадиоканалининг Фарғона вилояти бўйича ўз мухбири:



— "Олтин қалам" совриндори бўлганлигим тўғрисидаги хушхабарни кувонч ва ҳаяжонга тушдим. Албатта, мен каби пойтахтда узоқда бўлган оддий бир журналист фаолияти Халқаро танловда шунчалик баҳоланганидан қувонмай бўладими ахир!

Ҳаяжонга тушганлигим боиси, бундан кейин ана шу юксак совринга эга журналист сифатида зиммамга юкланаётган янги вазифалар масъулиятидир.

Кўтаринки руҳ кишига доимо куч-ғайрат ва илҳом бағишлайди. Мустақил юртимизда кечаётган ислоҳотлар ва бунёдкор халқимиз ҳаётидаги туб ўзгаришларни ёритиб боришимда, давр олдинга сураётган вазифалар ижросига доир иқтисодий-таҳлилий чиқишларимни янаям жонлантиришда ана шу янгича кайфият асосий кўмакдош бўлади, деб ҳисоблайман.

Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ, "Диёнат" ва "Ҳуқуқ оламида" газеталари бош муҳаррири:



— Мен Ўзбекистон деб аталмиш муқаддас юртнинг бир фарзанди сифатида тинч ва осойишта, бунёдкор ҳаётимизга информацион хуруж воситасида раҳна солмоқчи бўлаётган "ҳамкасб"ларимнинг ҳеч қандай далил ва исботларга таянмаган алмойи-жалмойи сафсаталарига нисбатан аниқ асосларга эга материалларим билан зарба беришни энг биринчи галдаги бурчим деб билдим.

Ана шу чиқишларимнинг журналистика соҳасидаги "Олтин қалам" миллий мукофотининг даврий матбуот йўналишида "Энг яхши журналистик материал" номинацияси бўйича иккинчи ўринга лойиқ кўрилгани кўнглимни осмон қадар юксалтирди. Тўғриси, кичик ишларимнинг бу қадар катта баҳоланишини кутмагандим. Зеро, қаламкаш меҳнатига рағбат кўрсатиш, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш уни янада кўтаринки руҳда ижод қилишга ундайди. Шунингдек, бундай нуфузли мукофотнинг вилоятда қалам тебратаётган журналистларга раво кўрилиши ҳам жуда катта воқеадир.

Бир сўз билан айтганда, "Олтин қалам" миллий мукофоти бир менинг эмас, балки "Диёнат" бирлашган таҳририяти жамоаси, қолаверса, наманганлик барча журналистлар меҳнатининг эътирофи, деб ҳисоблайман.

Яна шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, ғолиблик дипломи, "Олтин қалам" кўкрак нишони билан бирга менга тақдим этилган энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдоридаги пул мукофотини вилоят кенгашининг депутати сифатида ўз сайловчиларимнинг кам таъминланган оилалар вакилларига кўмаклашиш, ногиронларга аравачалар олиб беришдек хайрли мақсадларга сарфлаш ниятидаман. Бу менинг юртимизда кечаётган "Ижтимоий ҳимоя йили"га қўшган арзимас ҳиссам бўлади, дея умид қиламан.

Тадбир

9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрий журналистлар билан учрашиш, бир пиёла чой устида суҳбатлашиш, ўтганларни хотирлаш бир неча йилдирки анъана тусини олди. Лекин, минг афсуски, ҳар гал камида уч-тўртта гоҳ уруш қатнашчиси, гоҳ фахрий бўлган журналист орамиздан кетган бўлади. Дастлаб ана шулар номма-ном эсланади, хотирасига ҳурмат кўрсатилади. Кейин иштирокчилар кўрган-кечирганларини гапириб беришади. Ва бундан ҳамма миннатдор бўлади...

Инсон хотираси азиз ва муқаддас

Бу галги учрашув ҳам Миллий матбуот марказида бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилди. Маросимни ижодий уюшма раиси Шерзод Ғуломов олиб борди, йиғилганларни байрам билан муборакбод этди, мамлакатимизда ОАВ билан боғлиқ янгиликлар, амалга оширилаётган ишлар хусусида гапириб берди. Жамоат фонди лойиҳа раҳбари Мавжуда Йўлдошеванинг фахрий ногирон ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган журналистларни қўллаб-қувватлашга қаратилган янги дастур ишлаб чиқилгани ҳақидаги ахборотини иштирокчилар катта мамнуният билан қабул қилдилар. Тадбирда сўзга чиққан иштирокчилар ўзларига кўрсатилаётган ҳар томонлама ҳурмат ва эътибордан миннатдор эканликларини изҳор этдилар. Инсон хотираси азиз ва муқаддас экани бот-бот такрорланди.

Уруш ва меҳнат фахрийларига жамоат фонди пул мукофоти ва гуллар тақдим этди, улар ҳурматига байрам дастурхони ёзилди.

МУХБИРИМИЗ

Аҳвол

Ўтлоқ керак...ми?

Жаҳон иқтисодчи олимларининг қайд этишларича, ҳар қандай мамлакат ёки вилоятнинг ички ялпи маҳсулот ишлаб чиқариши 20 фоиздан 40 фоизгача шу мамлакат ёки ҳудудда бўлган денгиз, ўрмон, тоғ, саҳро-чўл ҳиссасига тўғри келар экан.

Бизнинг Андижон вилоятимизда эса борлиқ майдон суғориладиган (имконияти меъёрли) экин ерларидан иборат. Вилоятда ёппасига ташкил топган фермер хўжаликларининг фаолият йўналиши асосан пахтачилик ва ғаллачилик!...

Шундай экан, бу вилоятда чорвачилик, айниқса, шахсий чорвачиликнинг аҳволи қандай? Истиқболи-чи?

Бизнинг баҳсимиз шу мавзу хусусида.

Йўлдош СУЛТОНОВ,
Шаҳрихон тумани "Янги ҳаёт" газетаси муҳаррири

Сигир — етти хазинанинг бири, халқ ибораси билан айтганда "уйнинг қассоби". Дарҳақиқат, сигирли уйда доим қут-барака бўлади. Болалар соғлом, дуркун ўсади... Ҳукуматимиз шахсий чорвани қўллаб-қувватлаётганининг асосий сабаби ҳам шундан бўлса керак.

1994-95 йилларга келиб колхоз (кейинги ширкатлар) сут-товар фермалари ялписига хусусийлаштирилди. Натижада озуқа экинлари экиш камайди. Аҳоли қўлидаги чорва ҳайвонлари эса 2-3 ҳисса кўпайди. Бу эса пахтазор ва ғаллазорларни пайҳон қилишгача олиб келмоқда. Натижада фермерлар ҳаммаҳаллаларидан мол-қўйларини кўчага олиб чиқмаслик, уватларда ўтлатмасликни талаб қилишяпти. Улар эса: "Яқингинада ўзинг ҳам туёқ (мол-қўй)ларингни ғўзага қўйиб, бўкиб қорни ёрилгунча кўсак едириб боқардинг. Энди ўзгариб қолдингми?.." — деган дакки-дашномлар қилмоқдалар ва бошқа ғиди-бидилар ҳам бўляпти. Ғаллакор фермерлар буғдой пояларини ўт ўрнида ўриб кетувчиларни ҳам ё тополмай, ё тутолмай ҳайрон...

Ана энди рақамларга мурожаат қилайлик. Вилоятда 490 минг-та хонадон бор экан. Шунинг 60 фоизи қишлоқларда деб ҳисобласак, у 294 мингни ташкил этади. Агар шу хонадонларнинг ҳар бирида ўртача бузоғи билан бир бошдан соғин сигир бор деб билсак, вилоятда 590 минг (маълумотда 512,2 минг бош кўрсатилган)га яқин туғилгандан сўйилгунга қадар оғзи тинмайдиган қорамол (шундан 228 минг бош сигир), 618,8 минг бош қўй ва эчкилар мавжудлиги маълум бўлади.

Жумладан, Шаҳрихон туманида 47300 хонадон мавжуд. Унинг 60 фоизи қишлоқда яшайди ва бир бошдан бузоқли сигир боқади деб ҳисобласак ҳам, хонадонлар 28380 тани, улар асраётган ҳайвонлар 56760 бошни ташкил этади. Аммо шунча ҳайвонни боқадиган ўтлоқ борми? Бирор сотих ҳам йўқ-ку! Илгари колхозларда юз гектарлаб, туманда 3 минг гектар атрофида озуқа экинлар майдонлари бўларди. У майдонларга кўп йиллик ва бир йиллик тез ўсувчи озуқа экинлари экилиб, ўз эҳтиёжидан ортганини колхозчилар чорва ҳайвонларига тарқатиларди.

Энди бундай имкониятлар кам. Ахир аҳолининг хусусий чорваси ҳисобланган минглаб бош қорамоллар осмонда ўтламайди-ку!.. Бунинг устига кунжара, шелуха, омухта ем ўта қиммат нархларда, яна у асосан шаҳарларда сотилади. Бу қишлоқ аҳли учун қулай эмас. Лекин аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи-чи? Аҳоли нуфузи ортган сари бу эҳтиёж ҳам ортиб бориши бор гап-ку!..

Мўл-кўлчилик, тўкинчиликни таъминлашда хусусий чорвачиликни янада ривожлантириш ва чорва ҳайвонлари бош сонларини кўпайтириш учун тегишли миқдорда ўтлоқлар ташкил этиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Масалан, биргина Шаҳрихон туманида 75 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Шулардан 16 тасигина шаҳарда. Қолган 59 МФЙга хонадонлар чорва ҳайвонларини ҳисобга олган ҳолда, ўртача 30 гектардан бўлса 1770 гектар ўтлоқ ер ажратиш керак бўлади. Хўш, энди ердан қандай фойдаланиш мумкин? Юқорида мисол келтирганимиздек, 56760 бош ҳайвон шу майдонда боқилса, табиийки, уларнинг ярмини, яъни 28000 бошини соғин сигирлар ташкил этади. Шу соғин сигирлар ўтлоқда боқилгани учун ҳар ойда ҳар биридан 2кг. дан сарёғ ундирилса, у 56 тонна, тўққиз ой (3 ой қиш)га 504 тонна бўлади. 28760 бош бўлган солти-свой сигирлар ёки бузоқлар учун кунига 200, ойига 6000 сўмдан йиғилса, у 172 миллион 560 минг сўмни, мавсумга эса 1.553.40 минг сўмни ташкил этади. Ана энди, 504 тонна сарёғни 4000 сўмдан ҳисоб қилсак, у 2 млрд. 16 миллион сўмга тўғри келади. Демак, ҳаммаси бўлиб пул ҳисобида 3.569.40 минг сўм бўлиб, бу ҳар гектар ўтлоқ учун 2 миллион 16 минг сўмдан зиёдроқ соф фойда келтиради. Ҳисоб-китобларга кўра вилоятда 800 дан зиёд МФЙ бўлиб, улар ҳар бирига биз таклиф этганча ўтлоқ ер ажратилса, 24000 гектар ер керак экан. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ундан келадиган даромад ҳам оз бўлмайди, албатта. Боз устига ўтлоқ бўлган майдон дам олади, табиий ўғитланади. Уни вақти-вақти билан алмашлаш мумкин.

Яна бир фойдали томони, ўтлоқ бўлгач, фермерлар далаларида пайҳонгарчилик ҳолатларига йўл қўйилмайди. Бу шунчаки гап эмас. Тасаввур қилинг, ўтлоқ бўлмаса, биргина Шаҳрихон туманидаги 50 мингдан ортиқ сигир ва бузоқлар, қўйлар кунига атиги бир килограммдан кўсак еса, у кунига 56 тоннани, икки ой — 60 кун давомида 3360 тоннани ташкил этади. Сигир кўсак еганда бир килогина ермиди? Буни вилоят бўйича кўпайтиринг-чи, қанча бўларкин?..

Демоқчимизки, аҳолиси зич, ҳар бир қарич ери ҳисобда бўлган вилоятда ўтлоқлар ташкил этилса, беҳуда йўқотишлар ўрнига даромадга эга бўлиш мумкин. Яна бир фойдали томони даладан ўт териб, мол боқишга жалб этилувчи болаларга бўш вақт топилади. Уларнинг бемалол дарс тайёрлашлари, китоб ўқишлари, спорт билан шуғулланишларига кенг имкон яратилади.

Энди бизнинг таклифимиз: ўша ҳар бир МФЙ га биркитилган 30 гектар ўтлоқ тасарруфини МФЙ маъмурияти олиб борса, даромаднинг давлатга топширишлари керак бўлган қисмини топшириб, қолган қисмидан ўзлари фойдаланадиган бўлсалар, дурустгина маблағга ва қишлоқларни ободонлаштириш, йўлларни тузатиш, газ, электр, ичимлик суви тармоқларини таъмирлаш, кенгайтириб ва бошқа заруратларни ўз вақтида бажаришда кенг имкониятларга эга бўлган бўлардилар. Фақат "ҳомийлар" ҳимматига кўз тикиб ўтирилмасди.

Сўнгги сўз шуки, бу биз кўтарган масала мамлакатимиз, айниқса, бепоён лалмикор ерларга, тоғ ва тоғолди майдонларга, қирадирларга, чўл-саҳроларга туташ вилоятлар учун унча характерли эмасдир. Аммо Андижон вилояти аҳолиси учун ўта долзарб бу муаммонинг ечимини тезроқ топиш, ҳал этиш ниҳоятда зарур. Акс ҳолда ислоҳотлар ҳамда ҳукумат ғамхўрлиги туфайли аввалгига нисбатан ҳатто 2-3 баробаргача кўпайган аҳолининг қўлидаги шахсий чорва камайиб кетиши ҳеч гап эмас.

Ёдлов

Ўзбекистон радиоси. Пойтахтимизнинг қоқ марказидаги бу бинога эрталаб юзлаб одамлар шошилиб кириб кетишади. Кечга томон бир уйга бориб келайлик, деб хайрлашиб шаҳарнинг турли жабҳаларига тарқаладилар. Лекин кўплари ишда бўлишади. Чунки радио кечасию кундузи ишлайди...

Улар радиода ишлаган эдилар...

Анвар АБДУВАЛИЕВ

Бугун номини тилга олмоқчи бўлганларим ҳам куни кечагина шу ерда ишлардилар. Эшиттиришлари эфирга кетгач, кўнгиллари хотиржам бўлишарди. Яхши гап эшитса қувонарди, танқид бўлса бироз асабийлашарди. Умр деганлари шундай ўтган ва ўтаверади. Энди улар ҳақида билганларим. Лекин ҳаммаси эмас. Қисқача, жуда қисқа сатрларда холос.

Анвар ЭШОНОВ...

Анвар акани кўплар шоир, ёзувчи ва публицист сифатида билишади. Унинг ишлаш даври ҳам ўзига хос, жуда бошқача, қизиқарли воқеаларга бой бўлган. Ўшанда адабиёт муҳарририятида бош муҳаррир вазифасида ўзбекнинг йирик адиби Ўлмас Умарбеков ишлар эди. Кунларнинг бирида катта хато ўтиб кетади. Яна ким билан боғлиқ денг? Дунё йўқсилларининг доҳийси деб аталган Ленин номи билан боғлиқ. Уни ҳозир ҳамма хоҳлаганича тепяпти. Лекин ўша даврда... Ана шу воқеадан кейин Анвар ака радио билан хайрлашади. Ўлмас ака ҳам теппа-тенг жавоб беради. Лекин Анвар Эшонов деярли ҳар ҳафтада, баъзан кунора радиога келарди. Уни ҳамма яхши кўрган инисидек кутиб оларди. Радиода ишлаган завқли ҳаёти ҳақидаги ҳикояларини айтиб берарди. Кичик халтачага сут ёки қатиқ олиб: «Мулла укам биз кетдик», деб хайрлашгач, уйига йўл оларди. Кўпинча Анвар акани эслаганимдаёқ бир фикр хаёлимга келади. Кимсан Ўзбекистоннинг энг машҳур ҳуқуқшуносининг ўғли. Юрфакка кириб, айрим прокурор ёки судьяларга ўхшаб тўкин-сочин ҳаётни бошидан кечириши мумкин эди-ку. Йўқ. У шундай йўлни танлаганда Анвар акамиз Анвар Эшон бўлмасди...

Шуҳрат ҚОСИМОВ...

Бу инсонни ўзи бир мактаб. Радиода ҳам мактаб яратиб кетганлардан бири. Илк иш бошлаганимда икки-уч ойлар ўтгач: «Ука журналистни ўз қалами, ўз айтар сўзи бўлиши керак», деган эдилар. Қолипга тушманг, ишланг, изланинг, деган сўзларни алоҳида таъкидлаганди. Раҳматли бу гапни куни кеча айтгандек. Тингловчи, одамлар манфаати унинг учун ҳар нарсадан устун эди. Ҳатто телевизорда бош муҳаррир бўлиб ишлаганда эски, шалоғи чиққан "Жигули"сининг шинасини янгилашга қалам ҳақи етмаганида зорланмаган, нолимасди ҳам. У журналист Шуҳрат Қосимов эди. Уни ўз айтар сўзи бор эди. Ҳаётлигида кўп нарсани айтиб кетди... Радиода ишлаганида, "Хат ва ҳаёт" кўрсатуви, китобу мақолаларида...

Кўчқор ҲАЙДАР...

У билан университетда бирга ўқиганмиз. Радиода ҳам бирга ишладик. Қўчқорни эртаю кеч радиода кўрар эдим. Тинмай монтаж қиларди. Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш тайёрлар, яхши бўлса, биринчи мақтовни раҳматли Ортиқали акадан эшитар, сал кўнгилдагидек чиқмаса биринчи калтакни ҳам Ортиқали акадан ерди. Эрта-индин уй оламан деб қувонганлари. Ниҳоят навбат келиб, кўлига ордер олгандан сўнг беш-олти кун ўтгач... Тасодифми ё... Қалам ожиз... Бизнинг Кўчқор Ҳайдарни йўл четида кетаётганда машина уриб юборди. Ҳаёт мунчалар шафқатсиз бўлмаса. Қолган умрини ортда қолган болаларига берсин, деб овунганди радиодагилар ўшанда. Йиллар, кунлар ўтяпти...

Хўжаназар ТЎРАЕВ...

Тез-тез телефон жиринглаб қоларди. Гўшакни кўтарсак: «Навоийдан янги хабар бор», дер эдилар раҳматли. Бугун ҳам Хўжа акамиздан янги хабар олаётгандаймиз. Лекин у ўтган замонга айланди. Томди яйловларидаги чўпончўлиқлар билан суҳбатлар, Навоийнинг осмонга ажойиб тутун чиқарадиган корхоналари ҳақидаги гоҳ яхши, гоҳ муаммоли, гоҳида эртамиз ташвишидаги Тўраевнинг туркум материаллари... Буларнинг бари хотирага айланди бугун.

Раҳмат ЖУМА...

Жумаев ягона, дердим баъзан учрашганда. У жуда ораста, чиройли кийинарди. Радиода режиссёрлар мактаби бор. Раҳмат Жума ана шу мактабнинг асосчиларидан бири эди. Баъзан раҳматли Шукур Холмирзаев билан учрашганда байрам бошланарди. У дўстларини, радиони яхши кўрарди. Кечқурун ҳамма уйга шошилса, Раҳмат акани йўлда ишхонага келаётганида учратардим. Қаерга? Қодирий бобонинг асарлари асосида радиоспектаклга қўл урдим. Яшанг, Жумаев. Бугун унинг кечалари тайёрлаган юзлаб асарларини тинглаяпмиз. Аммо ўзи йўқ...

Воҳиджон ДЎСТМУҲАМЕДОВ...

Эшитдингизми Воҳиджон... Наҳотки, куни кеча юрган эди-ку? Яқинда радиодагилар бир-бири билан учрашганда ана шундай мулоқотдан сўнг кўнгли хижил, ўзгача бир кайфиятда иш бошладилар. Кулиб турадиган чеҳра. Ўлимидан сал аввал телевизорда ҳам ғазаллар ўқиган эди. У дўстлари даврасида берилиб ғазаллар ўқирди. Тўйларни бошқарарди. Радиога келиб на эрта, на кеч демай пульт ёнида режиссёрлик қиларди. Охирги йўлга кузатаётган куни ўғил-қизлари, яқинларига қўшилиб, бирга ишлаганлар Собиржон, Аброр, Асрорлар, уни билганларнинг барчаси йиғлашди. Яшаса бўларди? Эндигина 51 га кирган эди. Давру даврон суриш пайти келганди. Аммо ўткинчи дунё дейдилар...

Муаммо

Тандирда "турмас" нонлар

ёхуд "темир"сиз унни жойларда қандай бойитиш мумкин?

Собиқ шўролар тизими даврида хонадонларнинг шахсий томорқаси жой ўрни билан бирга бор-йўғи 13 сотихдан иборат эди. Ана шу бир парча ерда боғ, узумзор қиласанми ёки буғдой, полизсабзавот экиб оласанми, уйжой қурасанми, шунинг ўзи бош қашлашга арзигулик муаммо эди.

Хайриятки, мустақиллик шамоллари эса бошлагач, бунга барҳам берилди. Аҳоли фаровонлигини ўйлаган давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаларига асосан оилаларга яна 12 сотихдан қўшимча томорқалар берилди. Унга буғдой ва бошқа ғалла, сабзавот экинлари экилиши бир йилда икки ҳосил олиш баробарида ҳар бир хонадоннинг иқтисодини кўтариш, дастурхонини тўкин қилиш, фаровонлигини ошириш имконини бермоқда. Қўшимча, томорқаларга асосан буғдой экилади, ундан ҳар бир хонадон 800-1000 килограммгача кузги буғдой ҳосилини олгач, ўрнига мош, ловия, жўхори, маккажўхори экади. Мўл-ҳосил талакка тўкилади. Узлуксиз жараён туфайли деҳқоннинг омборида бир-бир ярим тонна буғдой-арпаси ва жўхориси бўлади.

Кейинги пайтларда мамлакатимизда овқатланишни яхшилаш бўйича глобал альянснинг молиявий кўмагида унни бойитиш бўйича миллий дастур ишлаб чиқилди ва амал қила бошлади. Бу "Саломатлик-2" ва оналар ҳамда болалар соғлигини мустаҳкамлаш лойиҳасининг асосий қисмидир. Чунки унни темир моддаси ва бошқа зарур моддалар (фолий кислотаси) билан бойитиш анемия ёки бошқача айтганда, камқонлик (айниқса, ҳомиладор аёллар ва болаларда) касаллигининг олдини олади. Иликнинг тўқ бўлишини ҳамда суякларнинг мустаҳкамлигини, болаларда тез ўсиб шаклланишни таъминлайди.

Демак, бу жуда муҳим экан, биз ана шу масала билан қизиқиб, "Боғотдон" ун маҳсулотлари корхонасида бўлдик. Бу ерда АҚШдан сотиб олинган махсус ускуна орқали ишлаб чиқарилаётган ҳар бир тонна ун керакли миқдорда темир моддаси ва бошқа зарур витаминлар билан бойитилаётганига гувоҳ бўлдик. Ун ишлаб чиқариш корхонасида витаминлар ва темир моддасининг аралашмаси якуний босқичда унга қўшилиб, яхшилаб аралаштираётганлигини туфайли ҳатто бир сиқим унда ҳам барча зарур озуқавий моддалар мавжуд бўлиши таъминланаётган экан. Бу жуда яхши. Аммо...

Аҳолимизнинг барчаси ҳам дон комбинатида ишлаб чиқарилаётган бойитилган унни истеъмол қилмаяптилар-да. Кейинги йилларда қишлоқларимизда, маҳаллаларда ҳар қадамда ўнлаб хусусий тегирмонлар фаолият кўрсата бошлади, улар одамларнинг оғирини енгил қилаётганлиги бор гап. Ҳўв юқорида айтиб ўтганимиз хонадонлар ўзларидаги бир тоннага яқин буғдойни икки қадам жойда бўлгани учун ғалтакками, аравачагами ортиб, худди ана шундай хусусий тегирмонларга олиб борадилар ва унга айлантирадилар.

Газетамиз ходимлари табиатни муҳофаза қилиш туман бўлими билан ҳамкорликда рейд уюштириб, хусусий ун тегирмонларида бўлганларида тегирмончилардан унни бойитиш масаласи қандай ҳал этилаётганини сўраган эдилар. Кичик бизнес тадбиркорлари ҳисобланмиш бу корхоналарнинг раҳбарлари унни бойитиш бўйича миллий Дастурдан бехабарлигини, шу вақтгача ҳеч ким талаб қилмаётганлигини, иккинчидан, унни темир моддаси билан бойитувчи дозатор (махсус жиҳоз) ва зарур перемикс-витаминларни қаердан олишни билмасликларини айтдилар.

Ҳақиқатан ҳам, солиқ идораси ходимлари олинадиган тўлов, электр корхонаси ишлатилган электр ҳақи билан қизиққан. Лекин бирор бир киши унни бойитишни сўрамаган.

Хусусий корхоналар раҳбарларига маслаҳатимиз шуки, улар дозатор ҳамда перемикслари сотиб олиш учун "Саломатлик-2" ва оналар ҳамда болалар соғлигини мустаҳкамлаш лойиҳаларини амалга оширувчи Қўшма бюрога мурожаат қилишлари мумкин. Бюронинг Тошкент шаҳридаги телефони — 68-17-29 (вилоят ва туманлардан Тошкент шаҳар коди 8.371(2) билан чиқилади). Қўшма бюро (импорт йўли билан) мосламалар ҳамда витаминларни етказиб бергач, ўртада тузилган шартномага кўра, тадбиркорлик хусусий ун цехларидан олдиндан маблағ талаб қилмайди. Аммо улар фойда ола бошлаши билан аста-секин тўловни амалга оширишлари шарт, албатта.

Ҳозирча хусусий тегирмонларни зарур дозаторлар ва перемикслар олишга мажбурлаш чоралари йўқ. Лекин гап халқимиз саломатлиги хусусида борар экан, тегирмонлар фаолияти хусусидаги қонун, қарор ва кўрсатмаларга унни бойитиши шартлиги тўғрисидаги бандлар киритилса, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда яна бир қадам ташланган бўлар эди. Бу шахсий мулоҳазаларим, албатта.

Яна бир муҳим жиҳат, кўплаб оила бекалари билан суҳбатлашганимизда улар темир моддаси ва бошқа зарур маъданлар билан бойитилмаган ундан қилинган хамир нонни пиширишдан жараёнида тандирга ёпишиб турмаслигини, оқиб, тушиб кетишини билдиришди. Ҳақ гап. Бойитилмаган ундан қилинган хамирнинг ёпишқоқлиги кам бўлади, нонининг мазаси ҳам ҳаминқадар. Шу боисдан ҳар бир истеъмолчи дўконлардан ун харид қилаётганида қопидаги ёрлиқда "соғлом маҳсулотлар" белгиси бор-йўқлигига эътибор қаратса, айни муддао бўларди. Чунки бойитилган ун қопида худди ана шундай сўзлар ёзиб қўйилган бўлади.

Ўзбекистонимиз бугунги кунда ун бойитиладиган мамлакатлар сафидан жой олаётган экан, бунга барчамиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз даркор!

Шавкат БОЛТА

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётларида тарқатилади

Эҳтиром

Шахмат фидойиси

Шахсий кутубхонамда шахматга доир китобларни алоҳида териб қўйганман. Баъзан бу китобларни олиб варақлайман, гоҳо берилиб кетаман. Шундай лаҳзаларда гўё вақт ва макон тушунчалари мени тарк этгандек бўлади — кутубхонага нима учун кирганимни унутиб қўяман. Китоблар орасида мен учун ардоқли бўлган бир китоб бор. Бу — раҳматли Мамажон Муҳиддиновнинг 1962 йили чоп этилган «Шахмат» дарслиги.

Шодмон ОТАБЕК

Республикамизда шахмат тараққиётини Мамажон Муҳиддинов фаолиятисиз тасаввур қилиш қийин. Бирор соҳада кўп ва самарали иш қилолган одамни «Фалончи бир ўзи бир неча кишининг ёки бутун бир институтнинг ишини қилган!» дея таърифлаймиз. Дарҳақиқат, Мамажон ака фаолиятининг ҳар бир қирраси алоҳида таҳсинга сазовор ва ўрганишга лойиқ. У шахмат бўйича Ўрта Осиёда етишиб чиққан биринчи спорт устаси! Тошкент ва Ўзбекистоннинг тўрт карра чемпиони, Қишлоқ шахматчилари Бутуниттифоқ биринчилигининг уч марта ғолиби, Осиё мамлакатлари шахматчиларининг 1959 ва 1961 йилларда Тошкент ва Ашхабодда бўлиб ўтган халқаро турнирлари совриндори. Т.Петросян ва М.Тайманов каби забардаст гроссмейстерлар билан беллашган шахматчи! Республика шахмат федерациясига қирқ йилдан зиёд жонкуярлик билан раҳбарлик қилган, юзлаб оммавий мусобақаларни уюштирган, пойтахтимизда шахмат-шашка клубини қуришда жонкуярлик қилган ҳам Мамажон ака эди.

Мамажон ака умрининг қирқ йилини муттасил мураббийликка бағишлади. Шогирдларининг кўпчилиги юксак натижаларга эришди. Унинг кучли шахматчилар оиласи — Аъзамовлар хонадони билан кўп йиллик мулоқоти ажойиб самара бергани яхши маълум. Георгий Аъзамовнинг Ўрта Осиёда етишиб чиққан биринчи гроссмейстер бўлишини йигирма йил муқаддам башорат қилган, Рустам Қосимжоновнинг истиқболи порлоқ бўлишини ҳам олдиндан айта олган эди. Терма жамоамиз 1992 йили Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида кумуш медални қўлга киритганида, ёш шахматчиларимиз Осиё, жаҳон чемпиони бўлишганида, юртимиздан кетмакет гроссмейстерлар етишиб чиққанда астойдил қувонган, ғурурланган эди.

Шахмат мухлисларининг ҳаммаси ҳам Мамажон аканинг асл касби-мутахассислиги темир йўл муҳандиси эканлиги, кейинчалик шахматдаги кўп йиллик самарали фаолияти учун халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) қарори билан халқаро арбитр деган юксак унвонга сазовор бўлгани, «Ўзбекистонда шахмат маданияти тарихи» илмий тадқиқоти учун (собиқ Иттифоқда бу соҳадаги ягона иш) тарих фанлари номзодига сазовор бўлгани, биринчи бўлиб ўзбекча шахмат атамаларини тайёрлагани, Ўзбекистон Фанлар академиясининг тарих институтида ўн йил катта илмий ходим вазифасида ишлаганини билишмаса керак. Хизматлари ва хайрли ишлари сарҳисоб қилинадиган бўлса, тарозининг иккинчи палласига у ёзган беҳисоб мақолалар ва китобларни қўйган бўлар эдим.

Мамажон аканинг шахматга доир ёзган китоблари бир жойга тахланса (улар элликка яқин), ёш боланинг бўйи етмаслиги мумкин. Унинг қайта-қайта нашр этилган «Шахмат» дарслиги (ушбу китоб яқинда Аср Мўминнинг мазмунли сўнг сўзи билан лотин алифбосида ҳам нашр этилди), «Ўзбекистонда шахматчилик», «Шарқ — шахмат ватани», «Шахмат ва адабиёт», «Катакларга яширинган олам», «От суриб, фил ўйнатиб», «Ақл мўжизаси», «Соҳибқирон дона сурганда», «64 хона, 32 дона», «Ун тўққиз чемпион» каби бири биридан қизиқарли, сермазмун китоблари шахмат мухлисларининг ардоқли мулки бўлиб қолди.

— Ҳамма нарсанинг калити битта — меҳнат, меҳнат, меҳнат! — деган эди Мамажон ака. — Биласизми, шахмат одамни ички интизомга, қунт билан, унумли меҳнат қилишга, айниқса, вақтдан самарали фойдаланишга ўргатади. Акс ҳолда цейтнотга (шахматчилар ибораси, вақт танглиги маъносида) тушиб қолиш ҳеч гап эмас. Умр қисқа, аммо ундан оқилона фойдаланилса, кўп ишларга улгуриш мумкин. Мен қўлёзмани деярли чиқитга чиқармайман, аниқроғи, бир марта ёзганимни қайта тузатиб, ўчириб-чизавермайман. Бундай иш услуби менга шахматдан «юққан». Шахматда ушлаганни юриш деган қоида бор, ортга йўл йўқ.

М.Муҳиддинов бир мақоласида шундай ёзган эди: «Шахмат инсон қалбидан қайнаб чиққан туйғулар, ёлқинли ҳислар, ақл билан, тафаккур билан омухталашиб кетган. Шахмат тахтасининг ҳар бир катагида сирли олам яширинган гўё. У кишини мулоҳаза тарозусида тортилган фикрлар, жўшқин ҳислар гирдобига, қураш майдонига етаклайди. Ҳа, шахмат ўт-олови йўқ улкан жанг майдонига, муаллифию охири йўқ китобга ўхшайди. Минг йиллардан бери ўша 64 катакда 32 дона сипоҳу пиёдалар билан жанг қилинади, ўша 64 саҳифада 32 та «ҳарф» билан сўз ясалади. Лекин ҳали ҳеч ким унинг адоғига етган эмас!»

Устознинг туриш-турмуши, ҳаёт тарзидан бир мунча хабардор эдим. Мамажон ака ҳаётнинг нашъу намолари, зиёфату базмлардан ўзини четга тортиб, хонанишин бўлиб, заҳматли меҳнат билан умр кечирди. Ҳатто айримлар назарида кайфу сафою ебичишдан иборатдай туюладиган удумимиз — гап-гаштакни ҳам шахматга «бўсундирди»: Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов каби халқимизнинг фахри-ғурури бўлган зиёлиларнинг «шахмат гапи»га асос солди. Раҳматли ўзи ҳаётда кўп рўшнолик кўрмади. Хотинидан бевақт жудо бўлди, фарзанд доғи қалбини яралади. Соғлиғи ёмонлашди, кўзларини бир неча бор операция қилдирди. Шундай қийинчиликларга қарамай меҳнатдан, игна билан қудуқ қазишдан тинмади. Мушкул вазиятда ҳам таслим бўлишни хаёлига келтирмаган уста шахматчи янглиғ сўнгги имкониятларини ишга солиб, яшаш учун курашаверди. Иродали инсон эди-да.

Ҳаётда алмаштириб бўлмайдиган, яъни ўрнини биров босолмайдиган одамлар бўладими ёки йўқми деган баҳс-мунозарани эшитганимда беихтиёр Мамажон Муҳиддиновни эслайман. Ҳозирги кунда шахмат бўйича жаҳон чемпионати мусобақаларини ўтказиш тартиби ва қоидаларида жуда мураккаб вазият вужудга келди, бу қоидалар тез-тез ўзгариб турибди. Ана шулар ҳақида ва умуман шахмат оламидаги янгиликлар, ўзгаришлар, шунингдек, республикамизда кетма-кет ўтказилаётган мусобақалар ҳақида Мамажон акадай содда, маъноли тарзда ёзиб, шарҳлаб берадиган мутахассиснинг йўқлиги маълум бўлиб қолди.

Ҳа, устознинг ўрни жуда-жуда билинмоқда. Фикримча, ушбу муаммони ҳал этишнинг энг мақбул йўли — шахматга доир алоҳида нашр: газета ёки журнал ташкил этишдир. Зеро, бунга кучли эҳтиёж ҳам, асос ҳам бор. Шахмат шарҳловчилари ана ўша таҳририят бағрида тарбияланиб, шаклланиши мумкин. Айни чоғда пойтахтнинг аҳоли гавжум жойларидан бирида шинамгина бир шахмат клубига ҳам эҳтиёж бор. Ҳозирча шахмат ишқибозлари Амир Темур хиёбонида «тадбиркорлар»дан шахматни ижарага олиб (тўғриси, бу беллашувлар қиморга айланиб кетган), дуч келган ўриндиқларда дона сурмоқдалар. Дарвоқе, ушбу масалаларнинг ҳал этилиши устознинг ҳам доимий орзуси эди.

Биз унинг хотираси олдида ҳамиша бурчлимиз. Утганлар хотирасини эъзозлаш борасида устознинг ўзи ибратли, хайрли ишлар қилгани, Азмиддин Хўжаев, Георгий Аъзамов хотира турнирларини ташкил этишда бош-қош бўлгани маълум. Бу яхши анъана давом эттирилиб, ҳар йили Мамажон Муҳиддинов хотирасига бағишланган шахмат мусобақаси ташкил этилса, хайрли иш бўлур эди.

Нигоҳ

Йиқилган курашга тўймас

Ливан урушининг асосий айбдори деб эълон қилинган Исроил бош вазири Эҳуд Ольмерт осонликча таслим бўлмоқчи эмас

Исроил ҳукумати сиёсий парокандалик ҳолатида. Ливан урушидаги барча талафотлар учун жавобгарлик бош вазир Эҳуд Ольмерт зиммасига юкланганидан кейин ҳукумат бошлиғини энг яқин сафдошлари ҳам тарк этишяпти. "Кадима" партиясидаги маслакдошлар эса Эҳуд Ольмертга иззатни борида истеъфога чиқишни маслаҳат беришяпти. Шу кунларгача дўст бўлган баъзи арбоблар эса ҳали ўлдирилмаган арслоннинг териси учун даъво қилиб, бош вазирлик лавозимини эгаллаш учун курашга ҳам киришиб кетишган.

Собиржон ЁҚУБОВ

Хабарингиз бор, 2006 йилнинг 12 июлида Исроил томонидан Ливанга қарши бошланган уруш мағлубиятга тенг сулҳ билан якунланди. Дастлаб "Ҳизбуллоҳ" ҳаракатини маҳв этиш мақсадида бошланган, кейинроқ бутун Ливанга катта талафотлар келтирган уруш бош вазир кутгандек ғалаба билан якунланмади. Сулҳ битими Исроил жамоатчилиги ҳафсаласини пир қилди. Чунки бутун дунёга ваҳимали овоза ва ҳайбатли чақириқлар билан бошланган ҳарбий амалиётлар давомида ваъдалар бажарилмади: гаровга олинган аскарлар озод қилинмади, "Ҳизбуллоҳ" тор-мор этилмади. Аксинча, Ливан иқтисоди миллиардлаб доллар зарар кўргани-ю, юзлаб бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлгани қолди.

Мамлакат ҳукумати Ливан уруши масаласидан аҳолини ҳар қанча чалғитишга уринмасин, бу мавзу яҳудий жамиятининг энг оғриқли нуқтаси бўлиб қолди. Жамоатчилик норозилиги ошиб кетганидан кейин ҳукумат Ливан уруши бўйича махсус текширув комиссияси тузишга мажбур бўлди. Ўтган йилнинг сентябридан иш бошлаган тафтиш комиссиясига собиқ судья Элиагу Виноград раҳбарлик қилди. Деярли тўққиз ой давомида уруш оқибатларини ўрганиб чиққан комиссия ниҳоят ўз хулосасини ошкор қилди.

Кутилгандек, текширув гуруҳи Исроил бош вазири Эҳуд Ольмерт, мудофаа вазири Амир Перец ва ўша пайтдаги бош ҳарбий штаб раҳбари Дан Халуцни Ливан урушининг асосий айбдорлари деб эълон қилди. Комиссия хулосасига кўра, уруш ташаббускори бўлган бош вазир жанг пайтида ҳарбийларни идора қилиш ўрнига уларнинг йўриғига тушиб қолган. Боз устига, раҳбарларга хос бўлмаган шошма-шошарлик ва сиёсий нўноқликка йўл қўйилган, ҳукумат ва ҳарбий қўмондонлик жанг борасида аниқ кўзланган режага ҳам эга бўлмаган...

Мантиқан олиб қараганда, бу каби жиддий танқидлардан кейин айбдорлар лавозимидан кетиши керак эди. Бироқ кундай равшанки, юқори рутбадаги раҳбарларнинг айбини тан олиши, хусусан, ўз ихтиёри билан мансабидан кетиши халқаро сиёсатда ноёб ҳодиса саналади.

Исроил матбуотининг асосий танқид мавзусига айланган бош вазир Эҳуд Ольмерт ҳам осонликча таслим бўлиш ниятида эмас. У комиссия томонидан илгари сурилган барча айбловларни рад этган. "Кадима" партияси етакчиси ўзини айбли деб билмаслигини, агар ўшандай ҳолат яна такрорланса, айни шу тахлит ҳаракат қилишини айтган.

Мудофаа вазири Амир Перец эса сал бошқачароқ (ақллироқ) ҳаракат қилган. Уруш пайтидаги хатоларини эътироф этган вазир лавозимдан кетиши, бироқ "Авода" партияси раҳбарлигини сақлаб қолишига ишора қилган. Ҳарқалай, касаба уюшмаси етакчилигидан мудофаа вазирлигига қадар кўтарилган Амир Перецга на шуҳрат, на обрў келтирган лавозимдан кўра, партия лидери бўлиб юриш афзалроқ бўлса керак.

Учинчи айбдор — уруш даврида Исроил армияси қўмондони бўлган Дан Халуц ўз вақтида этагини ёпган. У 2007 йилнинг январидаёқ ўз истеъфоси билан тинчгина лавозимдан кетган. Шу боис ҳам, генерал айни пайтда матбуотнинг ғазабли нигоҳидан четда.

Ҳайратланарли томони, Эҳуд Ольмерт энг яқин сафдоши ўлароқ ишонч билдирган арбоблар ҳам унга қарши боришяпти. Масалан, мамлакат ташқи ишлар вазири Ципи Ливни чўкаётган кемадан тушиб қолишга ҳаракат қиляпти. Бош вазирни фурсати борида мансабдан кетишга чақирган сиёсатдон хоним ҳукумат раҳбарлиги учун курашиш ниятини ҳам яширмаган.

Исроил бош вазири ўзининг фавқулодда уддабуронлиги ва топқирлиги билан танилган. Шу пайтга қадар у порахўрлик, коррупция, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш каби оғир айбловлар билан қораланган бўлса-да, ҳар гал сувдан қуруқ чиқиб келади. Эҳуд Ольмертнинг бахтига унга қарши бирор иш қўзғатилган пайтда мамлакатда кутилмаган воқеа рўй беради ва жамоатчилик ҳам ҳукумат раҳбари билан боғлиқ можарони эсдан чиқаради. Кўплаб таҳлилчилар ана шу жиҳатга урғу бериб, ҳозирги шароитда ҳам Эҳуд Ольмертни фақат катта шов-шувли можарогина қутқариши мумкинлигини айтишмоқда.

Агар омма эътиборини чалғитадиган можаро зарур бўлса, бу борада ҳам бош вазирнинг омади чопган. Айни пайтда Исроил президенти Моше Кацав ахлоқсизликда айбланиб, тергов идораларига сўроқ беряпти. Ҳарқалай, давлатнинг биринчи рақамли раҳбари билан боғлиқ гап-сўзлар бош вазирга қарши кескин танқидларни оз бўлса-да, эсдан чиқаришга ёрдам бериши мумкин.

Сиёсат

Николя Саркози — Франция президенти

Францияда ўтган президентлик сайлови ниҳоясига етди. Сўнгги ҳисоб-китобларга кўра, сайловнинг иккинчи турида "Халқ ҳаракати иттифоқи" вакили Николя Саркози ғалаба қозонди.

Айтиш керакки, сайлов олдидан ўтказилган ижтимоий сўровлардаёқ Жак Ширакнинг яқин сафдошларидан бири бўлган Н. Саркозига кўпчилик сайловчилар овоз бериши тахмин қилинганди. Амалда ҳам бу тахминлар ўз исботини топди. Марказий сайлов комиссияси ҳисобига кўра, 52 ёшли Николя Саркозига сайловчиларнинг 53,06 фоизи ишонч билдирган. Социалистик партиядан номзод сифатида кўрсатилган Сеголен Руаяль хонимга эса 46,94 фоиз сайловчи овоз берган. Франция бўйича умумхалқ овоз бериш тадбирида сайлаш ҳуқуқига эга аҳолининг 83,97 фоизи иштирок этган.

"Халқ ҳаракати иттифоқи" етакчиси сифатида ғалаба қозонган Николя Саркози шу куниёқ Парижнинг бош майдонида халқ олдида чиқиш қилди ва мамлакат бирлиги ҳамда тараққиёти учун курашишга ваъда берди.

Николя Саркози ўнг марказчи сиёсатдон сифатида танилган. У 1955 йилнинг 28 январида Париж шаҳрида венгер муҳожири оиласида дунёга келган. 1978 йили Париж университетини ҳуқуқшунослик мутахассислиги билан тамомлаган. 1979-81 йилларда Париж сиёсий тадқиқотлар институтида таҳсил олган. 1983 йили Парижнинг йирик маъмурий ҳудудларидан бири Нейисюр-Сен шаҳри ҳокими лавозимига сайланган.

1980 йилларда Николя Саркози Жак Ширакнинг яқин сафдошларидан бирига айланди. Сиёсий ва жамоатчилик фаолиятини ёнма-ён олиб борган арбоб Франция бюджет (1993-95), коммуникация (1995), молия, иқтисод ва саноат (2004) вазири каби юқори лавозимларда хизмат қилди. 2005 йилдан эса Франция ички ишлар вазири сифатида фаолият олиб борди. Бутун Францияни остин-устун қилиб юборган иммигрантларнинг оммавий норозилик чиқишлари айнан Саркозининг ички ишлар вазирлиги даврига тўғри келди. Сиёсий инқироз сифатида баҳоланган тўполонлар пайтида кескин ва қатъий чоралар кўрган ички ишлар вазири президент Жак Ширакнинг ишончини янада мустаҳкамлади.

Николя Саркози 2004 йили "Халқ ҳаракати иттифоқи" (UMP) партиясининг раиси лавозимига сайланди. Охир-оқибат айни шу партия вакили сифатида Франция давлати тепасига келди.

Николя Саркозини таҳлилчилар мураккаб сиёсий арбоб сифатида таърифлашади. У Америка ташқи сиёсатини ёқлайди, лекин айни пайтда Қўшма Штатларнинг Ироқдаги ҳарбий амалиётларини қоралайди. Франциянинг янги раҳбари иммигрантларга қарши кескин муносабати билан танилган,

бироқ шу билан бирга у муҳожирларга ҳам имтиёзлар бериш зарур деб ҳисоблайди. Николя Саркози эркин иқтисодий бозор муносабатларини ижобий баҳолайди. Айни пайтда миллий иқтисодни муҳофаза қилиш учун хориж компанияларига чекловлар жорий этишни керак деб билади.

Дарвоқе, икки марта уйланишга улгурган Николя Саркозининг оилавий муносабатлари кўпдан бери оммавий ахборот воситаларида танқидий муносабатларга сабаб бўлиб келяпти. Бироқ оилавий можаролар воситасида сиёсий етакчига зарба беришни кўзлаган мухолифларнинг ҳаракатлари бу гал самара бермади. Николя Саркози Франция президентлигига сайланди. У 2007 йилнинг 16 майидан расман ўз вазифасини бажаришга киришади.

Абдул СОБИР

ХАЛҚАРО ВОҚЕАЛАР

GLOBUS
INTERNATIONAL LIFE

Жаҳонга машҳур Reuters ахборот агентлиги сотилиши мумкин. Ҳозирча бундай таклиф билан ким мурожаат қилгани маълум эмас. Бироқ бу тўғрида хабардар пайдо бўлиши билан агентлик акциялари 26 фоизга ошди. Нарх ўсишидан кейин Reuters агентлиги 14,9 миллиардга баҳоланяпти. Овозаларга қараганда, Reutersга харидорлик қилаётган Американинг Thomson Financial компанияси бўлиши мумкин.

Дараклар

Буюк Британия: ички ишлар вазири истеъфога чиқмоқчи

Буюк Британия ички ишлар вазири Жон Рейд июнь ойи охирида лавозимидан кетишини маълум қилди. Инглиз ҳукумати аъзоси гарчи ички ишлар вазири лавозимидан кетса-да, парламент депутати сифатида фаолият юритиш ниятида.

Ҳозирда Буюк Британия бош вазири Тони Блэр муддатдан олдин лавозимдан кетиши, унинг ўрнига лейбористлар партияси вакили Гордон Браун қолиши маълум бўлиб улгурган. Кўпчилик жамоатчиликни қизиқтирган мазкур масалага муносабат билдирган ички ишлар вазири сайловда Гордон Браун учун овоз беришини таъкидлаган. Бироқ айни пайтда у янги ҳукумат таркибига умуман кирмаслигига ҳам урғу берган.

Жон Рейд мамлакатдаги нуфузли арбоблардан бири сифатида партиядоши Гордон Браунга бош вазирлик сайловида асосий рақиб бўлиши кутилган эди. Бироқ ички ишлар вазири кутилмаганда ўз партиядошига йўл очиб, катта сиёсатни тарк этди.

Эслатиб ўтамиз, эртага — пайшанба куни Тони Блэр бош вазирлик курсисини тарк этишининг аниқ муддатини маълум қилади.

Ирок: халқаро ҳамжамият масъулиятни зиммасига олиши керак

Мисрнинг Шарм аш-Шайх шаҳрида Ироқ муаммосига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Дунёнинг ўнлаб давлатлари вакиллари қатори БМТ Бош котиби Пан Ги Мун иштирок этган анжуманда Ироқдаги вазият хавотирли даражада экани қайд этилди. Хусусан, Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири, шаҳзода Сауд ал-Файсал Ироқдаги бугунги кескин ҳолат бутун минтақа тинчлигига рахна солаётганини таъкидлади.

Саудия ташқи ишлар маҳкамаси раҳбари Ироқдаги вазият мамлакатнинг миллий бирлиги ва суверенитетига тўсиқ бўлиб турганини уқтирди.

Шаҳзода ал-Файсал мамлакатдаги нотинч вазиятни бартараф этиш учун диний низоларни тўхтатиш, умуммиллий сулҳга эришиш зарурлигини билдирди. Шу билан бирга Ар-Риёд вакили Ироқдаги қуролли гуруҳларни тугатиш, инқирозга учраган иқтисодни тиклаш масаласига ҳам эътибор қаратди. Бу борада халқаро ҳамжамият бор масъулиятни зиммасига олиб, Ироққа кўмак бериши кераклигини таъкидлади.

2003 йили Мадридда ўтган халқаро анжуман якунида Саудия Арабистони Ироқ мамлакатига 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёрдам кўрсатишга қарор қилганди. Айни пайтда ана шу келишувдан келиб чиқиб, Ироққа кўрсатилаётган молиявий ёрдам масаласига тўхталган ташқи ишлар вазири Саудия подшоҳлиги Ироқнинг маълум миқдордаги қарзларидан воз кечишга тайёрлигини ҳам билдирди.

Венесуэла: Уго Чавес Sidor компаниясини огоҳлантирди

Венесуэла президенти Уго Чавес мамлакатдаги энг йирик пўлат ишлаб чиқарувчи Sidor компаниясини агар давлат манфаатларига риоя этмаса, мусодара қилиниши тўғрисида огоҳлантирди.

Марказий телевидение орқали қилган мурожаатида президент компанияни монополияга йўл қўйишда айблаган. Чавеснинг сўзларига кўра, ҳар йили 60 минг тонна труба ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган компания тор доирадаги хориж давлатлари билан ҳамкорлик қиляпти. Оқибатда Венесуэла ички эҳтиёж учун зарур бўлган трубани Хитойдан экспорт қилишга мажбур бўляпти.

Венесуэла раҳбарининг компанияни давлат фойдасига мусодара қилиши тўғрисида сўзлари шунчаки қўрқитиш эмас. Эслатма ўрнида айтиш мумкинки, яқиндагина мамлакатдаги йирик коммуникация компанияси — CANTV ҳам миллий манфаатларга риоя этмаслик айби билан давлат ихтиёрига ўтказилганди.

Фуқаролик жамияти қуришда оммавий ахборот воситалари катта ўрин тутади. ОАВ "тўртинчи ҳокимият" сифатида давлат бошқарувининг ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд тармоқлари томонидан амалга оширилаётган ишларни кузатади ва таҳлил қилади, бу жараёнда бевосита ижтимоий назорат функциясини амалга оширади. Мамлакатимиз илдам қадамлар билан демократик давлат бунёд этиш йўлидан борар экан, журналистлар зиммасига ҳам бир қатор долзарб вазифалар юкланиши табиий. Ҳозирги пайтда миллий ОАВ вакиллари биринчи навбатда фаол фуқаролик позициясига эга бўлиши талаб этилади.

Ҳуқуқ, ахлоқ ва масъулият

Фуқаролик жамияти ана шу уч муҳим омилга суянади



Ўтган ҳафта Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (ЎзЭОАВМА) томонидан пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида ташкил этилган медиа-форумда ҳам мазкур долзарб масала муҳокама марказида бўлди. "Журналистнинг фуқаролик позицияси — жамиятни демократлаштириш жараёнининг фаол таркиби" мавзусида ўтказилган тадбир айнан 3 май — Бутунжаҳон матбуот эркинлиги кунига тўғри келгани ҳам бежиз эмас. Мамлакатимиз журналистлари ана шу муҳим сана баҳонасида миллий ОАВ тараққиётига тўсиқ бўлаётган муаммолар, демократик тамойилларни янада жадал татбиқ этиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Тадбирни Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф. Абдухолиқов кириш сўз билан очди. Нотиқ ўз маърузасида айни пайтда мамлакатимиздаги 100 га яқин нодавлат телерадиостанцияларни бирлаштирган ассоциация демократик жараёнларда фаол иштирок этаётганини алоҳида таъкидлади.

— Бугун биз фақатгина Бутунжаҳон матбуот эркинлиги байрамини тантана қилиб қолмай, фурсатдан фойдаланиб, олдимизда турган муаммоларни ҳам ўзаро муҳокама қилиб оламиз, — деди **Ф. АБДУХОЛИҚОВ.** *— Миллий ассоциация ўтган давр мобайнида нодавлат электрон ОАВ вакилларида фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга катта эътибор қаратди. Бу борада Нодавлат электрон телерадиоузатувчиларнинг хартияси ҳам қабул қилинди. Журналистларнинг фуқаролик позицияси масаласига алоҳида эътибор қаратилган ушбу ҳужжат бугунга келиб, амалий натижа бераётганини кўриш мумкин.*

Тадбирда Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А. Арипов ҳам иштирок этди. Мамлакатимиз ҳукумати вакили ўз маърузасида миллий журналистикани ривожлантиришнинг давомий такомили сифатида ОАВга доир қонунчилик базаси мустаҳкамланганини алоҳида эътироф этди. Юртимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларда журналистлар иштироки муҳимлигига эътибор қаратган бош вазир ўринбосари бу жараёнда ОАВ ходимлари янада фаолроқ бўлиши зарурлигини таъкидлади.

— Муҳтарам президентимиз таъкидлаганларидек, жамиятни демократлаштириш бу битта тадбир билан амалга ошадиган иш эмас, — деди **А. АРИПОВ.** *— Фуқаролик жамияти қуриш бу маълум фурсат талаб этадиган яхлит жараёндир. Бу жараёнда эса журналистларнинг ўрни катта.*

Журналистлар ва давлат ҳокимияти вакиллари ўртасида ўзаро очиқ мулоқот ўрнатиш имконини берган тадбирда мамлакатимиз Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам қатнашишди. Хусусан, анжуманда сўз олган Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация масалалари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмуҳаммад ОАВ қонунчилик базасини яратиш тажрибаси хусусида маълумот берди.

— Бугунги кунда миллий журналистикамизга дахлдор ўнга яқин қонун қабул қилинди, мамлакатимиз ОАВ қонунчилиги такомиллаштирилди ва бу жараён тўхтовсиз давом этяпти, — деди **Х. ДЎСТМУҲАММАД.** *— Бироқ ана шу қонунчилик меъёрларидан журналистларимиз хабардорми? Бошқа соҳага доир қонунларни кўя турайлик, журналистлар биринчи навбатда касбий фаолиятларини тартибга соладиган меъёрий ҳужжатларни пухта ўзлаштиришлари керак. Шуни унутмаслик зарурки, фуқаролик жамияти уч муҳим омилга таянди: қонун, ахлоқ ва масъулият. Демократик давлат журналистлари ана шу уч омил уйғунлигига эришишлари лозим.*

Маълумки, ЭОАВМА ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўртасида яқин ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилган. Анжуманда қатнашган Миллий телерадиокомпания раиси А. Ходжаев айнан ҳамкорлик истиқболларига тўхталди.

— Бозор иқтисодиёти тизимида рақобат деган тушунча бор. Менинг назаримда, бу тушунча ОАВ соҳасида бироз бошқачароқ маъно касб этади, — деди **А. ХОДЖАЕВ.** *— Очиқроқ айтганди, бугунги кунда давлат ва нодавлат электрон ОАВ бир-бирига рақобатчи сифатида эмас, балки ҳамкор ўлароқ қараши керак. Ана шунда олдимизда турган муаммоларни ечишимиз осонроқ кечади. Миллий телерадиокомпания бу борада нодавлат электрон ОАВга кўмак кўрсатишга тайёр.*

Ҳукумат ва бошқа давлат бошқарув идораларининг фаолияти ошкоралиги демократиянинг устувор шартларидан бири саналади. Анжуманда сўз олган Ўзбекистон Бош вазирининг матбуот котиби Шерзод Қудратхўжаев айни шу масалага эътибор қаратди.

— Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз бошқарув идораларида матбуот хизматларини ташкил этиш борасида мақтанса арзигулик ишлар амалга оширилди, — деди **Ш. ҚУДРАТХЎЖАЕВ.** *— Оз фурсат ичида юртимиз давлат бошқаруви идораларида 150 дан зиёд матбуот хизматлари ташкил этилди. Ушбу катта жамоани, таъбир жоиз бўлса, матбуот котиблари армияси дейиш ҳам мумкин. Табиийки, ОАВ ходимларига уларнинг касбий фаолиятларида яқиндан кўмак бераётган матбуот хизматлари давлат бошқарув органлари ишининг халққа транспарентлиги, очиқлигини таъминлашда муҳим омил саналади.*

Медиа-форумда сўз олган бошқа маърузачилар ҳам журналистларимизда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга доир таҳлилий-танқидий мулоҳазаларни илгари сурдилар. Умид қиламизки, анжуман доирасида билдирилган таклиф-мулоҳазалар миллий журналистикамизни ривожлантириш жараёнида амалий аҳамият касб этади. Зеро, медиа-форум давомида бот-бот таъкидланганидек, ўзининг аниқ принципи, фуқаролик позициясига эга бўлмаган журналист ҳақиқий маънодаги "демократия посбони" вазифасини бажара олмайди.

С. КАМОЛОВ,
"Hurriyat" мухбири

Жамоатчилик кенгаши тузилди

Бугунги кунда аҳолига халқаро ва маҳаллий ахборотларни тезкор етказишда телевидениенинг ўрни беқиёс. Бунда аҳолига ҳавола этилаётган кўрсатувлар, маълумот ва хабарларнинг ҳаққонийлиги, истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқларига нечоғлик мослиги ҳам эътиборга лойиқ. Шунинг учун ҳам ОАВ фаолияти фақатгина таҳририят назорати билан чекланиб қолмасдан бу жараёнга кенг жамоатчилик жалб қилинаётгани ҳам муҳим демократик жараёнлардан ҳисобланади.

Навоий шаҳридаги "Фазо" нодавлат телевидениесида бу борада қатор амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Яқинда ушбу таҳририятга вилоят ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари таклиф этилиб, олиб борилаётган ишлар билан яқиндан таништирилди, шунингдек, жамоатчилик вакилларининг ушбу телевидение кўрсатувлари ҳақидаги фикрлари ўрганилди. Бу учрашув таҳририят томонидан ўтказилаётган биринчи ёки сўнгги тадбир эмас.

Шу куни учрашув иштирокчилари телевидение фаолиятини назорат қилиш бўйича жамоатчилик кенгаши туздилар. Кенгаш раиси этиб вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Улаш Нурманов сайланди. Жамоатчилик кенгаши "Фазо" телевидениеси фаолияти ва кўрсатувлар сифат-самарадорлигини ошириш бўйича режа-тадбирлар ишлаб чиқдилар, таҳририятни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга келишиб олдилар.

Бахтиёр ТЕМУР

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди. Лойиҳа: «Демократик жамият қурилишида аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш ва фуқароларнинг фаоллигини ошириш масалалари» .

Йўқлов

“Мен энди кетарман пинҳон ва ёлғиз...”

Ҳеч ишонгим келмайди. Ишонмасдан иложим ҳам йўқ. Ўйласам, ҳар гал юрагим тўкилиб кетади. Канглумда нимадир чирсиллаб узилади. Бу нимадир унинг ўзи айтгандек: “Мен ҳам армон билан бир кун кўз юмгум” дегани. Бу нимадир унинг кетгани, унинг энди қаватимда йўқлиги. Хотира ёзиш оғир. Айниқса, канглунгга мадад бериб, ёнингда қувват бўлиб юрган, дарахтдай ўсиб бораётган... ва... бирдан “пинҳон ва ёлғиз” кетган ининг ҳақида... На илож! Аллоҳнинг иродаси. Асқар Маҳкам доғда қолдириб кетди. Хотирага айланди.

Икром ОТАМУРОД

Ҳаёлимда Асқарнинг узоқ манзилдан келиб, илк бор насиб этган суҳбатлари, сўнгра ака-укаликка йўйилиб, боғланиб кетган меҳр ришталари, оқибат боғичлари, собитлик сиралари ўтаверади. Асқар Маҳкам пойтахтга ижодкор бўламан, деган мурод билан келган эди. Уни ана шу ният ижодкорлар оламига бошлаганди. У ижодкор бўлди. Катта-катта достонлар ёзди. Катта-катта таржималар қилди. Сўзнинг машаққатини, сўзнинг моҳиятини, сўзнинг улуғлигини қалбига жойлади ва шу собитлик билан яшаб ўтди.

Асқарнинг яшаш тарзи билан фаолиятида чинакам собитликнинг, чинакам субутликнинг мустаҳкам бирлиги бор эди. У мабодо бировга меҳр қўйса, уни ўзига яқин кўрса, зинҳор ундан қўл узмасди. Ўзининг беҳудчилигини унутса ҳам дўсти ёки биродарининг ҳолини асло эсдан чиқармасди. Қачон қараманг, қайсидир биродарининг корига яраш мақсади билан юрарди. Биродарининг ҳожатига ярарди. У ёши каттага собит ука, тенгдошга собит дўст, кичикка собит ака эди. Яшаш йўсинидаги айнан ана шу жиҳат ёзувига уйғунлашиб кетарди. Ёзувига куч берарди. У ҳамма нарсага моҳият сирасидан қararди. Биродарликни берк тутарди. Муносабатларда омонатликни ёқтирмасди. Ўзига ярашадиган “чарс”лиги ҳам бор эди. Қалбини яқин оларди. Қалбга яқин борарди. Аллома Фаридуддин Аттор шундай деган эканлар: “Одамзотнинг руҳи ичкарисидадир, сен унга сафар қилмоғинг керак”. Асқарнинг ижоди ана шу тахлит, яъни “ичкарига сафар” йўсинига йўғрилган қалб маҳсули. Инсоннинг моҳиятини англатишга қаратилган ёзувлар сирасига мансуб.

Асқар билан узоқ вақт бир бинода, бир эшикдан кириб-чиқиб, ёнма-ён ишладик. Асқар аввалига “Санъат” журналида, сўнгра “Гулистон” журналида, кейинги пайтларда “Файласуфлар миллий жамияти”да хизмат қилди. Асқар ҳамиша фикр бағрида бўларди. Хонасига қачон кирмай, гоҳо дилим ҳуриллаб ўзим тушардим, гоҳо меҳри товлаб ўзи чақирарди, хуллас, қават-қават китоблар тахи столи устида варақлари очилган, ёзувларга, таржималарга кўчаётган ҳолатда турарди. Бу китоблар орасида Қуръони карим, шунингдек, Жалолиддин Румий, Шамс Табризий, Саъдий, Ҳофиз, Навоий асарлари, хилма-хил луғатлар доимо бўларди. Булар, шубҳасиз, Асқарнинг ҳам руҳига, ҳам сўзига қувват берарди. Қалбига мадад бўларди. Асқарнинг бу улуғ неъмат — китобларга ҳамда уларнинг муаллифларига ихлоси ва эътиқоди баланд эди. Ана шу ихлос ҳамда эътиқод Асқарнинг қалбига кўчди. У шу йўсинда, яъни қалб маъноси йўсинида яшади, қалб маъноси йўсинида ёзди. Асқар билан мени яқинлаштирган яна бир нарса, бу қисматларимиздаги уйқашлик бўлди. Мен ҳам, Асқар ҳам камлик билан, етимлик билан ўсган эканмизки, бундай ҳолат кейинчалик бизни бир-биримизга маҳкам боғлади. Мен ўзим ўсиб вояга етган даштларни, кенгликларни, тўрғайларни яхши кўраман. Асқарнинг дилида ҳам шундай, яъни ўзи ўсган жойларни соғиниш, унга интилиш ҳисси кучли эди.

2001 йилда бизнинг элимизга бориладиган бўлди. Сафардошлар — Ҳалима Худойбердиева, Омон Мухтор, Асад Дилмурод, Ўрол Ўтаев, Салим Ашур, Сирожиддин Рауф, Асқар Маҳкам ва мен биргаликда йўлга чиқдик. Атайин кечи билан чиқдик. Салқин билан кетамиз деб. Йўл-йўлакай қаерлардадир тўхтаб, оқшомнинг тиниқ осмонини, борлиқнинг кечга ёнбошлаган сукунатини томоша қилиб кетдик. Эртасига учрашувлар, суҳбатлар бўлди. Қарши, Касби, Муборак тупроқларида юрдик. Ҳаммамизда ҳам ҳайрат қайсидир даражада улғайди, таассурот, тасаввурлар тўлишди. Асқарда эса бу жиҳат жуда бошқача кечди. Унинг кўзлари яшнаб кетди. Учрашувлар, суҳбатлардан кейин ўзи бир ерларга чиқар, кенгликларга болаларча термулар, нималарнидир фикридан ўтказар, гоҳ маъноли ўзига хос жилмайиш билан, гоҳ чуқур ўйлов билан яна давраларга қўшиларди. Бизнинг элимизнинг табаррук жойлари — Қўрғонни кўриб, Сардобанинг сувига қўлларини ботириб, Султон Мирҳайдарни зиёрат қилиб, тошларини қўллари билан силаб чуқур ўйга ботарди. Бу ўй фақат унга ярашарди. Кейин бўлиқ овоз билан шеърлар ўқирди. Овозидаги жаранг, мунг, оҳанг, маъно қўшилиб қўнғироқдек садо берарди. Биз сафардошлар ярим ҳазил билан:

— Асқар, яхшиям, қўшиқ айтмас экансиз, бўлмаса, бу қўнғироқ овоз билан кўп қўшиқчиларни доғда қолдириб кетаркансиз, — деганимизда қалбидаги ўй, сукут шундай бир кулгига айландики, бу унинг юрагидаги чуқур ўйнинг, чуқур сукутнинг кенгликларда майдонга чиққан товушига менгзаб кетди. Бундай кулгу доим ҳам бўлавермасди. У ё тўлиб келган кезда, ё ҳайратлар, соғинчлар ғужурга дўнган маҳалда бўларди. Мен шунда Асқар овозининг сеҳрини англадим... Ёзувларининг руҳига янаям яқин бордим. Ич-ичидан чиқаётган Сўзнинг, руҳиятнинг мавжи қанчалик тўлқинли бўлишини англадим. Бу тасаввуфий йўсиндаги катта Сўз, катта Овоз эканлигини билдим. Бизнинг элимизга Асқарнинг жудаям меҳри ортди. Олдинги ака-укалик боғичларимиз янаям мустаҳкам бўлди. Соғинган кенгликларни, даштларни биргабирга “канглумизга” олиб қайтдик.

Кунлар ўз йўрғида гоҳ билдириб, гоҳ билдирмай ўтаверади.

Асқар бир кун бир жўраси билан ўзларига нисбатан ёш йигитни бошлаб келишди. Танишдик. Ёш шоир экан.

— Шеърлар ёзади. Ўзингиз шеърларини кўриб, иложи бўлса, ният билдирсангиз, — дейишди биродари билан.

— Укалар, майли, мен шеърларини кўраман, маъқул бўлса тайёрлайман. Лекин бу йигитга ўзларингиздан бирларингиз сўз ёзиб беринглар. Чунки уни сизлар топгансиз ва сизларнинг ҳаққингиз бор сўз тилашга, — дедим.

Асқар билан жўраси: “Йўқ! — дейишди. — Биз эркин тортиб сизга олиб келдик, ўзининг хоҳиши ҳам сиздан маслаҳат олиш, сўз олиш”, — дейишди бараварига. Бу йигит Асқарнинг элдоши — истеъдодли ёш шоир Алишер Нарзулло эди. Бу Асқар қалбида ўрнашган хайрихоҳликнинг биттагина кўриниши, холос. Хайрихоҳлик Асқарнинг қалб фаолияти эди...

Кунлар ўз йўрғида гоҳ билдириб, гоҳ билдирмай ўтаверади...

Асқарнинг тоби қочди. Олдинига унчалик эътибор бермай, тик оёқда ўтказмоқчи бўлди. Чунки у ҳала-була дардга ён бермасди. Дард, ташвишлар, ўксинишлар... Изма-кетин келди. Ҳолдонлашиб, канглуни кўтариб турилди.

Бир кун эрталаб, Асад Дилмурод ишга келди-да: “Асқар сал толиқиб қолибди. Ишга келаётиб, Алишер Нарзулло билан кўришиб қолдим. Ўша айтди”, деди.

Ишдан кейин уйига ўтдик. Ётган экан. Кўришдик. Ҳол-аҳвол сўрадик. Кўзларига ёш келди.

— Икром ака, сизни соғиндим, жудаям соғиндим, — деди.

Юрагим тўлди. Сукут босди.

— Шу ёшга келиб, сизнинг элингиздан бошқа жойга бормабман. Имом Бухорийни, Баҳовуддин Нақшбандни ҳам ҳалигача кўрмабман. Агар оёққа турсам, бундан буён фақат юраман, айтган жойларимни бориб зиёрат қиламан, — деди чеҳрасига ажиб нур югуриб.

— Укам, алп укам, насиб бўлса соғайиб кетасиз. Ҳали нафақат айтган ерларингиз, ундан бошқа ҳам кўп жойларни кўрасиз. Қолаверса, сиз муборак сафарда бўлгансиз, Румий, Табризийни таржима қилиш асносида, нафақат улар бўлган манзилларда, кўпчилик бора олмайдиган макон — уларнинг руҳий оламларига саёҳатлар қилгансиз. Соғайиб, оёққа туришингиз билан, иложи бўлса, айтган жойларингизга бирга борамиз, — дедим юрагим тўлиб.

— Қанийди, — деди. Кейин гапни бошқа томонларга буриб, дилини анча равшан қилишга уриндик. Кўлимни қўллари орасига олиб анча фурсат тутиб турди. Акаси, укаси, қайинлари келишган экан. Кетаётганда:

— Чой ичиб кетинглар. Овқат тайёр. Бўлмаса, хафа бўламан, — деди. Иродасига бўйсундик. Иноғалари билан суҳбатлашдик.

Афсус. Асқарнинг ният қилган сафарларининг йўли бошқа томонга кетди. Нима ҳам қилардик. Энди фақат хотирадан нажот сўраймиз. Ётган жойинг нурга тўлсин, укам. Билиб айтган экансан-да, жим кетишингни:

“Мен энди кетарман пинҳон ва ёлғиз...”

Кунлар ўз йўрғида гоҳ билдириб, гоҳ билдирмай ўтаверади...

Хотира

Шу йил март ойининг бошларида Москва консерваториясининг катта залида атоқли ўзбек пианиночиси Алексей Султонов хотирасига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Камина ушбу кечада қатнашмаганимга қарамай, у ҳақда Россия оммавий ахборот воситаларида берилган хабарларни ўқиб, 35 ёшида вафот этган, аммо номи жаҳон мусиқий ижрочилик санъати тарихига ёзилган ватандошимиз билан фахрланиш туйғусини сездим. Ва шундай туйғу бошқа замондошларимда ҳам шояд уйғонса деган ният билан ушбу сатрларни ёзишга аҳд қилдим.

Машҳур пианиночи

Наим КАРИМОВ

“Ҳуррият”хонлар Алексей Султоновнинг Ўзбекистон халқ артисти Замира Ҳидоятова ва Абдулҳай Султоновнинг набиралари эканлигини яхши биладилар, деб ўйлайман. Табиат ана шу санъаткорлар оиласида дунёга келган фарзандга илоҳий истеъдод ато қилган экан. 8 ёшида, ҳали мусиқа мактабида ўқиб юрган кезларидаёқ илк бор саҳнага чиққан, 12 ёшида Чехословакия пойтахтида бўлиб ўтган “Концертино Прага-86” халқаро танловининг ғолиби бўлган, 20 ёшида эса Осиё, Европа ва Американинг энг машҳур залларида пианиночилик маҳоратини намойиш этган Алёша ўзининг ёрқин ва беназир истеъдоди билан жаҳон мусиқа оламини лол қолдирган эди.

Алексей Султонов Москва консерваториясининг профессори Л. Н. Наумов синфида ўқиб, ижрочилик маҳорати сирларини мукаммал эгаллади. У Ван Клиберн ҳамда Шопен номларидаги икки нуфузли халқаро танловнинг бош совринларини қўлга киритиб, ўзининг ноёб истеъдоди билан нафақат мусиқа шинавандалари, балки нозиктаъб мусиқашуносларнинг ҳам катта эътиборини қозонди. Афсуски, биринчи ўринни олдиндан бошқа бир созандага беришни мўлжаллаган танлов ҳакамлари унинг Чайковский номидаги халқаро танлов (1998 йил, Москва) даги музаффарона чиқишига қасддан паст баҳо қўйдилар. Мутахассисларнинг фикрига кўра, агар А. Султонов А. Прокофьевнинг катта маҳорат билан талқин қилган Еттинчи сонатасини холисона баҳолаганларида унинг биринчи ўринни эгаллаши муқаррар экан. Шунинг учун ҳам мусиқашунослар А. Султоновнинг иккинчи турдаги чиқишини танловдаги “жангу жадаллар”дан шараф билан ўтган ва ҳар қандай баҳолардан баланд турадиган чиқиш сифатида баҳолаганлар. Таниқли мусиқачи Владимир Головиц эса ўзбек йигитининг истеъдодига тан бериб, унга машҳур Артуро Тосканинининг дирижёрлик таёқчасини ҳадя қилган.

Мусиқа оламида жаҳон миқёсида шуҳрат қозонган сиймолар оз эмас. Шунинг учун ҳам мусиқашунослар мусиқий нафосат оламида пайдо бўлган ҳар бир ёруғ юлдузга ўйлаб баҳо берадилар. А. Султоновнинг Европа ва Америка мамлакатларидаги концертларидан ҳайратга тушган мусиқашунослар уни “фортепиано арслони”, “вулқоннамо пианиночилар тоифасининг энг ёрқин намояндаси” сингари сўзлар билан таърифлаганлар. Бошқа бир мусиқашунос эса “А. Султонов энг ёрқин ва ҳаддан зиёд истеъдодли пианиночи, улкан эҳтирос ва ғалаён кучининг талқин этувчиси бўлиб, ҳар бир композиторнинг дил-дилини очиб ташлайди”, деб ёзган.

Ана шундай бетакрор санъаткор 2005 йил 30 июнда 35 ёшида бевақт ҳаёт билан видолашди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Москва филармонияси ўзининг баҳорги мавсумини Алексей Султонов номидаги жамғарма кўмагида санъаткор хотирасига бағишланган катта концерт билан бошлади. Матбуотда берилган хабарларга кўра, шу концертда унинг укаси Сергей Султонов америкалик пианиночи Александр Корсантия билан бирга Пуленкнинг қўш фортепиано билан оркестр учун ёзилган концертини ижро этган. Бу концертни Алёша жудаям севган, дейишади. У билан Москва консерваториясининг А. Н. Наумов синфида бирга таҳсил кўрган Вазген Вартарян ва Андрей Гаврилов Шопен ва Прокофьевнинг фортепиано учун ёзилган асарлари ижросини машҳур дўстлари хотирасига бағишлашган. Шу куни ноҳолис ҳакамлар томонидан тан олинмаган, аммо А. Султонов зўр муваффақият билан талқин этган Шопен ва Прокофьевнинг Еттинчи сонатаси ҳам ижро этилган. Унутилмас кеча Андрей Гаврилов ва П. И. Чайковский номидаги Катта симфоник оркестр ижросидаги иккинчи концерти билан якунланган. Алексей Султонов худди шу концертни моҳирона ижро этганлиги учун буюк поляк композитори номидаги халқаро танловда ғолиб чиққан эди. Ўйлаймизки, Москвадаги энг нуфузли концерт залларидан бирида ватандошимиз Алексей Султонов хотирасига бағишланган концертнинг ўтказилиши ва атоқли ўзбек санъаткори ҳақидаги оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган мақолалар унинг издошларини янги-янги ижодий ғалабалар сари илҳомлантиради.

Ҳажвия

«Хосиятли» тўнка

Абдуғани АБДУВАЛИЕВ

Холтўраев бошлиқ бўлиб келган куннинг эртасигаёқ “ислоҳот” ўтказишга киришди. Ишни дастлаб ҳайдовчини алмаштиришдан бошлади. Кейин ўз хонасидаги столни ўнг томондан чап томонга сурди. Хона эшигига чарм қоплатди. Энди нимани ўзгартирсам, деб хаёл суриб ҳовлига чиқди. Кўзи эски тўнкага тушди. Ердан ярим метр кўтарилиб турган бу тўнканинг қовжираган танасида кумурсқалар ғужғон ўйнарди. Холтўраев қоровулни чақирди.

— Эртага бир-иккита одам топиб, шу тўнкани кавлаб, олиб ташланглар!

Қоровул андак каловланиб қолди ва: “Тўғрику-я”, деди мужмаллик билан.

— Нима, тўғрику-я? — сўради Холтўраев.

— Бу дарахтни мулла Музробиддин пирим эккан эканлар. Агар ким-да-ким дарахтга ёмон ниятда қўлини теккизса, қўли қуриб қоларкан. Айтишларига қараганда, бир вақтлар шу ерга бошлиқ бўлиб келган бир киши дарахтни йиқитинглар, деб буйруқ берибди. Иш ярмига келганда арралаётган одамнинг лаби қийшайиб, арра қўлидан учиб кетибди. Ярмидан кўпи арралаб бўлинди, бу ёғи хавфли бўлиб қолди, йиқитиб қўя қолайлик, дейишибди. Катта арқонга боғлаб кўплашиб тортишибди. Дарахт йиқилиши билан бошлиқ ҳам йиқилибди. Қирқ кун тили калимага келмай, ишдан бўшабди. Шундан сўнг тўнкага қўл теккизишга ҳеч кимнинг юраги дов бермаяпти...

Бу гапни эшитган Холтўраевнинг баданидан муздек тер чиқиб кетди. “Кўпни кўрган бу қоровул бир нарсани билмаса гапирмайди”, дея ҳаёлидан ўтказди. “Тўнкани кавлаб ташланглар”, дегани эсига келиб, негадир дили ғаш тортди. Учтўрт кунгача ҳадиксираб юрди. Ҳатто бир гал у ёқ-бу ёққа аланглаб, тўнканинг ёнига аста борди-да, юзасига кафтини теккизиб олиб, кейин кўзига суртди ва: “Ўзинг кечир”, деб қўйди...

Мана, бугун ўзининг хос хонасида аввалги ишхонасидаги жазмани Рухсорахон билан чақчақлашиб ўтирар экан, гап айланиб келиб тўнкага тақалганда, деразадан уни Рухсорага кўрсатди. Аёл тўнкани кўраман деб бўйнини чўзган эди, ёноғидан ўпиб олди. Рухсорахон ҳам кулиб туриб боплади:

— Тўнкани кавлаб ташлаш гуноҳ-у, бировнинг хотинини йўлдан уриш гуноҳ эмасми!

— Энди хоним, қадимгилар бир гапни бекорга айтмайди.

— Бу дарахт эмас, чириган тўнка-ку! — чийиллади кўзларини пирпиратиб Рухсорахон.

— Тўнка бўлсаям табаррук, хўш, Мир... Мир... оти эсимдан чиқди. Хуллас, ўша, бир нарса деган пиримдан мерос бизга.

Орадан беш-ўн кун ўтгач, бу даргоҳга раҳбарлардан бири ташриф буюриб, Холтўраевга танбеҳ берди:

— Ҳовлингларга қараб бўлмайди. Мана бу эски тўнкани чиқариб ташлаб, гулхона қилмайсизларми? Манави ерга мевали дарахтлардан экмайсизларми? Сув бўлса бор экан. Биздан авлодларга ёдгор бўлиб қолади. “Агар ҳозир қиёмат бўлади деса-ю, бир туп дарахт ўтқазишга улгурсангиз ўтқазинг!” деганлар пайғамбаримиз.

— Мен ҳам қоровулимизга айтувдим, шу тўнкани чиқариб ташланг деб, — деди шошиб Холтўраев.

— Битта-иккита одамнинг қўлидан келмайди. Бульдозер чақиринг, беш минутда текислаб қўяди. Сал бундоқ, ён-верларингга ҳам қаранглар-да!

— Хўп бўлади, хўп бўлади...

Раҳбар кетгандан кейин Холтўраев қоровулни имлади.

— Эшитдингиз-а. Эртага бульдозер келади. Тўнкани чиқариб ташлаб, бу ердан жўяк олинглар. Шеригингизни ҳам чақиринг. Анави “завхоз” болани қўшиб бераман. Энди бизга ҳеч нарса қилмайди. Гуноҳи раҳбаримизга тегади...

Орадан бир йил ўтар-ўтмас режани барбод этгани, маиший бузуқлиги учун Холтўраев вазифасидан олиб ташланди. Лекин у ҳозир учраган одамга: “Ўша ташкилотда бир муқаддас тўнка бор эди, шуни кавлаб ташловдим, касрига қолдим”, деб юрибди. Қоровул эса: “Манави дарахтдан, ўша тўнка яхши эди. Биқинидаги кавагига бир шиша ароқни қўйиб қўйсангиз, кечгача муздек турарди”, дейди ҳамкасби Абдурайимга ёзғириб.

Чунки у навбатчилик куни шишадоши Абдурайим билан шу тўнканинг устида қарта ўйнаб, “юзта-юзта” қиларди-да.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди жамоаси «Нафосат» газетаси бош муҳаррири Сайёра Зоировага ўғли **Нодиржон**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Изоҳга ҳожат йўқ.

Абдурасул ҲАКИМОВ чизган

Ибрат

«Душманимга раво кўрмайман»

XX аср инсоният тарихига бутун яхши-ёмон томонлари: буюк кашфиётлар, қирғинбарот урушлар, юксалишлару буҳронлар билан бирга кирди. 100 йил тарих чархпалаги олдида бир лаҳзадай гап. Лекин бу даврда қанчадан қанча тақдирлар яшаб ўтди.

Бутун XX аср Тўхтабой ота тақдирида ўз изини қолдирган. Юз билан юзлашган отанинг 28 ёшида урушга ўз ихтиёри билан отланганини эшитиб, бугунги авлод ишонқирамайди: уруш тугагандан кейин қаҳрамон кўпаяди, дейдиганлар ҳам топилади. Лекин у пайтлари одамлар бошқача бўлганми...

Иккинчи жаҳон уруши — унинг ҳар лаҳзаси Тўхтабой ота учун мангуликка тенг эди. Бир инсон кечмишида шундай фожеаларнинг юз бериши ва ҳаммаси тушдай ўтиб кетиши... “Яхши кун ҳам, ёмон кун ҳам ўтаверар-да, болам”, дейди бобо.

Фарзандларию набираларига бугунги тинч замоннинг қадрига етишини бот-бот уқтирар экан, Тўхтабой ота уруш машаққатларини уларга сўзлаб беради. Кўплар эртакдай қабул қилади бу ҳаётий воқеаларни.

Белорус қишлоқларида боласини қучоқлаганча жон берган онани кўрганда, бобо 11 ёшида онасидан айрилган кунларини эслаган эди. Она барибир она экан-да!

Агар тинчлик бўлганида, бу кўргиликлар йўқ эди. Болалар оналаридан айрилмас, одамлар танк остида янчилмас, оловда ёнмас эди. Урушни эслаб ота: “Ўша кунларни душманимга эмас, душманимнинг итига ҳам раво кўрмайман”, дейди ва набираларига бу кунларнинг қадрига етишни насиҳат қилади.

Ширин ХОЛМАТОВА

Суратда: бобо ва чевара

O'ZINGNI ANGLA!
HURRIYAT
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ
Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй.
Тел-факс: 135-39-01. Тел: 142-49-91, 142-52-72
Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233
Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ
Топшириш вақти — 20. 00 Топширилди — 19. 00
® — тижорат белгиси.
Буюртма — Г-454 Т: 3404 1 2 3 4 5